


Ф. Соифназарова, И. Соифназаров

ТАРБИЯ: ОДОБ ВА ОҚИБАТ



„УЗБЕНИСТОН“

Ф. СОИФНАЗАРОВА, И. СОИФНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари номзодлари

ТАРБИЯ: ОДОБ ВА ОҚИБАТ



Тошкент
"Ўзбекистон"
1991

87.717

С 75

Муҳаррир: С. Мирзааҳмедова

Соифназарова Ф., Соифназаров И.
С 75 Тарбия: одоб ва оқибат /Муҳаррир: С.
Мирзааҳмедова.—Т.: Ўзбекистон, 1991.— 63 б.
ISBN 5=640=00942=X
I. Автордош.

Рисолада шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган инсон тарбияси хусусида фикр юритилган. Унда социализм қурилиши йилларида инсон тарбияси борасида йўл қўйилган кўпгина хатоликлар, баъзи назарий хулосаларнинг эскириб, реал ҳаётдан, ижобий тарихий урф-одатлардан ажратиб қўйилганлиги, инсон тарбиясини амалга оширувчи қатор ижтимоий институтлар ичида оиланинг муҳим ўрин тутиши ранг-баранг ҳаётий мисоллар орқали ёритилган.

Рисола таълим-тарбия масалалари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Саифназарова Ф., Саифназаров И.
Воспитание: мораль и ее последствия

№ 183-91

Навоий номли ЎзССР

Давлат кутубхонаси.

ББК 87.717

ISBN 5=640=00942=X

С 0301070000-046 91
М 351 (04) 91

©"ЎЗБЕКИСТОН" нашриети, 1991 й.

Бу мавзуга қўл урмоқдан бурун бир нарсага ўзимизда кучли эҳтиёж сезамиз: замон билан, биз яшаб турган тузум билан баҳслашмоқ лозим! Буни жиноят деб қабул қиласизми ёки "шаккоклик" деб ўйлайсизми, у ёғи сизга ҳавола.

Партия инсон муаммосини ўз сиёсатининг марказига қўйган ҳозирги вақтда бу айниқса зарурдир. КПСС Марказий Комитетининг "Инсонпарвар, демократик социализм сари" ҳаракат дастурида айтилганидек, инсонни амалда ижтимоий тараққиётнинг марказига қўйиш, унга муносиб турмуш ва меҳнат шароитини, ижтимоий адолатни, сиёсий эркинликни, шахснинг ҳар томонлама камол топиши ва маънавий томондан юксалиши имкониятини таъминлашни партия ўзининг олий мақсади деб билади. Жамият тараққиёти ана шу жиҳатлар билан белгилаб берилиши керак.

Маълумки, КПССнинг XXVIII съезди биз учун тарихий манбадир. Унинг хизмати ва аҳамияти жуда катта. Унинг бутун моҳияти ва мазмуни инсон ҳалол, номусли, пок қалбли, ўзига талабчан бўлмасдан туриб ғоявий инсон бўлиши мумкин эмас, деган фикрга асосланади. Янги жамиятнинг олий мақсадлари, принциплари ва қадриятлари қанчалик зўр ғайрат билан қарор топтириб борилса, тарбиямиз шунчалик самаралироқ бўлади. Ҳаётнинг поклиги учун кураш — ғоявий-тарбиявий ишлар самарадорлигини, унинг ижтимоий самарасини оширишнинг, нохуш ҳодисалар рўй беришидан сақланишнинг энг таъсирчан усулидир.

Бу сўзлар тўғри. Аслида социализм — олий даражадаги ахлоқ жамияти, маданияти юксак тараққий этган салтанат бўлиши лозим эди. Бироқ кўз ўнгимиздаги айнишлар, ўзбошимчаликлар, порахўрликлар, юлғичликлар, маъмуриятчиликлар, текинхўрликлар ва яна қанчадан-қанча "лик-лик"лар ҳамда "чилик-чилик"ларнинг гувоҳи бўлиб, бу жамиятнинг моҳияти ҳақида, нега биз социализмга бу қадар ёпишиб олганимиз, унга кўр-кўрона сажда қила бошлаганимиз ҳақида ўйлай бошлайсан киши. Шу ўринда

машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг қуйидаги гаплари ниҳоятда ўринлидир: "Зўрма-зўраки меҳнатдан, инсоннинг ташаббускорлиги, мустақиллигини кескин бўғадиган, унинг омилкорлигини ер билан яксон қиладиган казармачилик социализмдан, мулоҳазасиз меҳнаткашликдан, мусобақадoshликни йўққа чиқарадиган, ҳаммани тенглаштираман деб, бир-бирига ўхшаш юзсиз қилиб қўйган сиёсатдан бошқа нарсани ҳам кутиш мумкинми? Бу мерос энг катта ёвузликни туғдиради. Унинг номи оммавий бегоналик, ҳамманинг ва ҳамма нарсанинг лоқайдлиги; ҳукуматнинг халққа, халқнинг ҳукуматига ишончсизлиги. Энг охири пайтларгача халқ сиёсатдан четлаштирилган эди, мана бизнинг кўз ўнгимизда рўй берди. Халқ жамиятдаги ўз ўрнини англашга киришди. Шунинг учун, менимча, ҳозир тикланиш, тирилиш йўлини излаш пайти етди... Социализмнинг маъноси луғатда эмас, шу маънонинг реал ифодасидадир" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1989 йил 16 июнь).

Бизнинг улуғ адибимиз, СССР халқ депутати Одил Ёқубов эса депутатларнинг ўша анжуманида сўзлаган нутқида шундай деб таъкидлади: "Биз 70 йил бадалида, ҳа-ҳа, бир неча асрга "татигулик" мана шу давр ичида жон қадар азиз бўлган жуда кўп қадриятларимиздан жудо бўлдик. Шулар ичида шундай бир қадрият ҳам борки, минг афсус, унинг ўрнини бирон-бир нарса билан қоплаш мушкулдир. Тирикчиликнинг мушкуллашганлиги, бирида очин, бирида тўқин яшаётганимиз туфайли, инсоний қадр-қимматни ер билан битта қилувчи узундан-узоқ навбат кутишлар туфайли юз берди у. Инсон боласига хос бўлган энг олижаноб фазилат бўлмиш раҳм-шафқатдан, мурувватдан асар қолмади бизда. Боз устига шу хислат ўрнини тошбағирлик ишғол этди. Кишилар меҳроқибатсиз, ён-веридагилар дардига лоқайд, илтифотсиздир" (Ўша жойда).

Юқоридагилардан жамиятни тўла ва чуқур ўрганиш, уни илгари йўл қўйилган хатолардан фориг қилиш, сталинча бузилишлардан тозалamoқ керак, деган хулоса келиб чиқади. Бу жамиятни реал социализм билан таққослар эканмиз, айрим назарий хулосалар бугунги кунда эскирганини очиқ тан олишимиз лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда совет назарийчилари олдида социализмни тиклаш ва янгилаш вазифасигина эмас, ленинча концепцияни ривожлантириш, жамиятни та-

томиллаштиришга ёрдам бериш вазифаси ҳам кўндаланг бўлиб турипти.

"Болалар, ўқувчилар ва талабаларга инсоний, ахлоқий ва жисмоний тарбия беришни жамиятни демократиялаш ва инсонпарварлаштириш жараёнларига мувофиқ қайта қуриш, тарбия масалаларида оиланинг аҳамиятини ошириш... Оиланинг ахлоқий негизларини ривожлантириш ва мустақкамлаш, унинг ёш авлод тарбиясига ҳиссасини оширган ижтимоий тарбиянинг пойдевори бўлиб қолиши керак",— деб таъкидланган КПСС XXVIII съезди резолюцияларида.

Дарвоқе, бутун етмиш йил давомида қилган барча сўбий-ҳаракатларимиз етмагандай бугунги кунда яна жамиятни инқилобий тарзда қайта қуриш (тўғрироғи қайта бошлаш)имиз лозим. Бундай покланишни ҳаётнинг ўзи тақозо этди. Партиянинг иродаси билан ошкоралик ва демократия сўзлари ўзининг асл маъно-моҳиятига эга бўлди. Жамият эндиликда яшармоқда: у одамлар кўз ўнгида янги қиёфа, жозиба касб эта бошлади. Шундай шароитда оила, одоб-ахлоқ гоят муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаш лозим. Мустақкам оила, чуқур маънавият, имон ва диёнат, таг-заминли одоб-ахлоқ бўлмаса фақат жамият ривожланишида эмас, балки шахсий турмуш шароитида ҳам ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Оила — жамиятнинг пойдевори, унинг кўрки, ҳаётбахш булоқларнинг бошидир. Оила — иқтисодий, ижтимоий, экологик, демографик, ҳатто энг шахсий муаммолар бирикадиган, ўзаро кесишадиган нуқта бўлиб ҳисобланади.

Қатағонлик даврларида, ундан кейинги турғунлик йилларида бизнинг одоб-ахлоқимизга, оила каби энг муқаддас туйғуларимизга, инсоний кадр-қимматимизга ҳам дарз кетди. Одамлар ўртасидан меҳр-шафқат кўтарилди, ҳатто ёнма-ён турадиган қўшнилар ҳам бир-бирларини танимайдиган бўлиб қолди. Бировнинг ноҳўя ишларини кўриб, ўзимизни кўрмасликка олдик, фарзандларимиз тақдирига бепарво қарадик. Ҳатто, аҳвол шу даражага бориб етдики, ёш болага панд-насиҳат қилсанг, ундан "тушингни сувга айт" деган ҳақоратомуз гапларни эшитишга ҳам тўғри келди. Бу нима, оила тарбиясининг инқирозими, одоб-ахлоқнинг бузилишими ёки одамларнинг юз тубан кетишими? Ҳар ҳолда, буни яхшиликка йўйиб бўлмайди. Шунинг учун қайта қуришни, аввало оиладан, одоб-ахлоқни тўғри изга солишдан, тарбиявий

ишларни кучайтиришдан бошлаш керак. Ёшларни тўғри йўлга йўналтиришнинг асосий омили — оила обрўсини сақлаш, ота-оналар намунасини кучайтиришдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Биринчи котиби И. А. Каримов "Правда Востока" ҳамда "Совет Ўзбекистони" газеталари мухбирлари билан суҳбатда оила обрўси ҳақида фикр юритиб: "Ёшлар, уларнинг ота-оналари ва авлодлари узоқ йиллар давомида мисқоллаб оила обрўсини топганлар. Одамлар кўз ўнгида ана шу обрўни сақлаб қолиш учун курашмайдиган кишини мен тасаввур қилолмайман. Оила обрўсини йўқотиш кўпчилик учун ўлим билан баробар", — деб таъкидлади ("Совет Ўзбекистони", 1989 йил 28 сентябрь).

Зеро, бугунги кунда оила обрўсини кўз қорачигидай сақлаш, унинг таъсирчанлиги ва тарбиявий ролини ошириш айниқса муҳимдир. Чунки, "ҳозирги пайтда маънавий маданият муаммолари кўп жиҳатдан янгичасига кўндаланг бўлмоқда. Бизнинг инсонга ҳозирги муносабатимиз, унинг реал қиёфасига, потенциалига, талаб-эҳтиёжларига эътиборимиз ана шу муаммоларнинг янгиллигини белгилаб бермоқда, чунки инсон фақат ризқ-рўз билангина ва ҳатто ҳозирги замон моддий неъматлари билангина яшаб қолмайди. У айниқса ҳақиқат ва виждон билан, адолат ва эркинлик билан, маънавий поклик ва инсонпарварлик билан барҳаётдир" (М. С. Горбачев. "Революцион қайта қуришга — янгиланиш идеологияси". Тошкент, "Ўзбекистон нашриёти, 1988, 21-бет).

Оилани мустаҳкамлаш, унинг турмуш даражасини ошириш, оила аъзоларининг соғлиғини сақлаш ҳозирги вақтда давлат ва партия олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг энг муҳим томонини ташкил этади. Халқ фаровонлиги, турмуш шароитлари, даражаси ва сифати жамиятнинг бошланғич ижтимоий-демократик гуруҳи бўлган оиланинг яшаш аҳволидан келиб чиқиб белгиланади. Янги авлоднинг соғлиғи ва турмуш тарзи оиладан мерос бўлиб қолади ҳамда оилада шаклланади. Шунинг учун ҳам оила муаммоси партия ва давлатимизнинг доимо диққат-марказида турибди. "КПСС оила тўғрисида ғамхўрликни кучайтиришни давлат аҳамиятига эга бўлган ғоят муҳим вазифа деб билади, — деб таъкидланди КПСС XXVII съездида. — Оила ёш авлодлар соғлиғини мустаҳкамлаш ва уларни тарбиялашда, жамиятнинг иқтисодий ва социал тараққиётини таъминлашда, демографик жараёнларни яхшилашда муҳим роль ўйнайди"

СССР XXVII съездининг материаллари, "Ўзбекистон", 1986, 174-бет).

СССРни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида мамлакат турли регионларининг хусусиятларини тўлароқ эътиборга оладиган демография сифати ўтказиш лозимлиги, аҳолининг умрини ва меҳнат активлигини узайтиришга, оилани мустақкамлашга, ёш авлодни тарбиялашга, аёлларнинг оналикни меҳнат ва ҳамоат фаолиятида актив қатнашиш билан қўшиб олиб боришлари учун қулайроқ шароит яратилишига ҳар томонлама кўмаклашиш зарурлиги таъкидлаб кўрсатилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, биз кўп вақт фаровонлик, тўкин-сочинлик ҳақида сафсата сотиб, моддий бойлик орқасидан қувиш, умумхалқ ва умумдавлат манфаатларига зид бўлган шахсиятпарастлик, ўғрилик, беҳаёлик авж олиб кетганини пайқамай қолдик. Ахлоқсизлар, тарбиясизлар кўпайди, оилаларда ота-оналарнинг тинчи бузилди.

СССР халқ депутати, Ўрта Осиё ва Қозоғистон му- сулмонлари диний бошқармаси ҳайъатининг раиси Муҳаммадсодиқ Муҳаммад Юсуф тарбиямиздаги ана шундай беқарорликдан ташвишланиб бундай деб ёзади: "Са- воб, инсоф, товфиқ, одамгарчилик, меҳр-шафқат, хайр-эҳсон каби минг йиллар давомида кишилиқнинг эз- гулик шиори бўлиб келган тушунчалар орамиздан йўқолмоқда. Руҳий, маънавий қаҳатчилик юзага келди. Ахир кексайиб қолган ота ё онасини қариялар уйига ташлаб, йиллаб хабар олмай, кайф-сафо қилиб юрган бойваччаларда руҳий бойлик бор дейсизми? Нима учун ҳар йили ўн минглаб вояга етмаган ёш болалар жиноят қилиб қамалмоқдалар? Улар руҳий тарбия топган дейсизми? Нима учун ҳеч нарсадан ками йўқ ота-оналар ўзларининг арақхўрликлари туфайли ногирон бўлиб туғилган фарзандларини махсус етимхоналарга топшириб қўйиб, йиллаб хабар олмай юрибдилар? Нима учун халқнинг пулидан уриб қолиб миллионларни тўплаган юлғичлар яна бошқа миллионни тўпламоқдалар? Бу- ларнинг баъзиси моддий манфаатдорлик, худбинликнинг оғир асорати бўлиб, маънавий қашшоқлик, руҳий но- покликнинг натижаси эмасми?" ("Совет Ўзбекистони" га- зетаси, №22, 1990 йил).

Тарбия остонадан бошланади, деган яхши ибора бор. Бинобарин, тарбиянинг энг муҳим талабларидан бири шахсий намуна, оила ибратидир. Биз тарбиянинг ана шу

энг муҳим элементини унутиб қўйдик. Қуш уясида кўрганини қилади дедик-ку, аммо бу мақолни тор доирада тушунадиган, уни саёз талқин этадиган бўлиб қолдик.

Тошкент Халқ хўжалиги институти доценти, тарих фанлари номзоди Шоди Каримов ёзганидек, бизни ўйлантираётган муаммолардан бири — тарбияга мустақиллик беришдир. Ўйлаб кўринг, биз етмиш йил мобайнида кимларгадир тақлид қилиб, кимлардандир андоза олиб яшадик, оқибатда, биз ўзлигимизни йўқотаёздик. Чинакам ўзбекона ахлоқ, одоб ва тарбияга оид ўқув қўлланмаси шу пайтгача яратилмади. Ҳаётда тарбиясизлар, бсиболар, шармисорлар тобора уруғ сочмоқда. Кўҳна анъаналаримиз, ота-боболаримизнинг урф-одатлари поймол бўлиш арафасига келиб қолди-ку! Эндиликда биз тарбия соҳасидаги ишларимизни уйғунлаштиришимиз, миллийлаштиришимиз керак. Бу вазифани ҳал қилишда бизга кексаларнинг холис хизматигина мадад бера олади.

Ҳа, тарбия, ахлоқ-одобнинг бошланмаси — оила. Ота-она, катталар, қариялар, ака-укалар, қариндош-уруғларнинг оиладаги роли, ўрни муҳим аҳамиятга эга. Гапимиз қуруқ бўлмаслиги учун шу ўринда бир мисол келтириб ўтмоқчимиз. Тошкент вилоятининг Тўйтепа туманидаги оддий бир оилада Жаҳонгир Солихов деган қобил бир йигит тарбия топди. Келинг, бир бошдан гапира қолайлик. Жаҳонгир коинотни илк бор забт этган Юрий Гагарин парвозидан тўрт йил кейин — 1965 йил 12 апрелда туғилган. Меҳнаткаш инсон, Тошкент сув қурилиши трестининг ҳайдовчиси Акбар ака ва унинг рафиқаси Мавлуда опа оиласига учинчи ўғлон таваллуд топгани муносабати билан муборакбод этгани келган қон-қариндош ва яқинлари буни яхшиликка йўйдилар. Космонавтика кунда ўғилнинг туғилиши — унинг толеи юксаклигидан нишона деб билдилар. Бунинг ҳеч бир ажабланадиган жойи йўқ. Ахир бир кун келиб, Ўзбекистонда ҳам, унинг ҳозирча номаълум бўлган қайси бир ноҳиясида доврўғи доvon ошадиган фарзандлар етишиб чиқмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди-ку! Шундай эмасми?

Аммо, нима бўлганда ҳам, фарзандлар истиқболи одамлар башорат қилганидан ўзгачароқ бўлди. Кенжа ўғил эмас, Солиҳовлар хонадонининг тўнғич фарзанди — Анваргина ўз тақдирини авиация техникаси каби мураккаб соҳа билан боғлади. У Ленинграддаги ҳарбий билим

юртини тугатиб, ҳозир Владивостокдаги ҳаво мудофааси кўшиқларида хизмат қилмоқда, Ватанимиз осмони сарқадларини қўриқламоқда.

Жаҳонгир эса Акбар ака билан Мавлуда опаларнинг бошқа фарзандлари каби педагогикни ихтиёр этди. Унинг бундай мақсади ўз-ўзидан дунёга келгани йўқ. Оилада танлаган касби билан унга намуна бўлувчилар бор эди. Акаси Бахтиёр В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тамомлаб, мактабда ишламоқда. Опаси Севара мактабгача тарбия педагогика билим юртини тугатиб, болалар боғчасида тарбиячи бўлиб хизмат қилипти. Ҳаётхон ҳам опаси танлаган йўлдан қадам ташлади. Қолаверса, Жаҳонгирнинг бу касбни танлашига фазогир Г. Береговой айтган "Ўқитувчи— энг машаққатли ва энг масъулиятли касбдир: у истиқбол яратади", деган сўзлари сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Нима бўлганда ҳам ушбу қадимий касб табиатан софдил ва меҳрибон бўлган бу йигитчага жуда муносиб эди. Бироқ, ўқишни икки йилга кечиктиришга тўғри келди — Совет Армияси сафида хизмат қилиш фурсати етиб келганди.

Жаҳонгир десантчилар сафига ёзилди. Бронетранспортёр ва бошқа ҳарбий машиналарни бошқара билиш, портлатишни удалай олиш, сув ҳавзаларидаги тўсиқлар ва давонлардан бемалол ошиб ўтиш, парашютта сакрашбуларнинг ҳаммаси десантчи учун оддий ишлар ҳисобланади. Кундалик машғулотлар пайтида Жаҳонгир офицер бўлиб ишлаётган акаси Анварнинг унга ёшлик чоғиданоқ спортга муҳаббат уйғотиб, югуришни, сузишни, сакрашни, отишни, баландликдан чўчимасликни, қурооланган рақиб билан яккама-якка олишишни ўргатгани учун чуқур миннатдорчилигини айтиб тугата олмасди, албатта.

Меҳнат ветерани, ҳайдовчи отаси унга автомобиль бошқаришни, техникани таъмирлашни ўргатганди. Энг асосийси у бошқа фарзандлари каби кенжа ўғлини ҳам сабр-бардошли, вазмин, одоб-ахлоқли, ҳар қандай оғир шароитда ҳам ваҳимага тушмай, хотиржамлик билан иш кўра оладиган қилиб тарбиялай олган эди. Она эса Жаҳонгир қалбига меҳр-шафқат, мурувват ҳиссини, сох-талиқ ва ёвузликка нисбатан нафрат туйғусини сингдирди.

Бугунги кунда муаллим бўлиб ишлаётган Жаҳонгир Солиҳовга қараб оилада берилган дастлабки тарбия жуда муҳим, агар жоиз бўлса, ҳал қилувчи кучга эга

эканлигини ҳис этиш мумкин. Ана шундай тарбияни уқтираётганлар минг бор ҳақ. Солиҳовлар хонадонида бу қоидага айланган. Бу оилада ҳар бир киши бошқалар учун зарур, уларни бир-бирларисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Зеро, тарбия тўғри бўлса, у турмушнинг барча ма-шаққат ва оғир дақиқаларида ҳам самара бераверади. Жаҳонгирнинг вақти келиб Афғонистонда хизмат қилишини, жанггоҳ қизиби ўлим ва вайроналарга рўпара келишини, даҳшатлар ичра ҳаёт қадрини англаб етишини ҳеч ким хаёлига келтирмаган эди. Аммо йигит тарбиясида қатъият, фаҳм-фаросат, ирода ва матонат куртаклари оиладаёқ шаклланиб бўлганди. Матонатли қалб эгаси ҳаётда ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтади...

Маълумки, оилалардан маҳалла, маҳаллалардан қишлоқ, вилоятлардан жумҳурият, қисқа қилиб айтганда, барча оилалардан давлат ташкил топади. Бундан кўринадики, ҳалиги биз айтган "қушнинг уяси" бутун бир давлат, бепоён Ватандир. Шундай бўлгач, барча яхшиликларни ҳам, ёмонликни ҳам биргина "кичкина уя"дан эмас, балки "катта уя" дан ўрганамиз, унга тақлид қиламиз.

Авалло, гап ўша "кичкина уя" ҳақида, хўш бу "уя"да нималар содир бўлмоқда? Жумҳуриятимиздаги марказий газеталардан бирига шундай мактуб келди. Унда С. исмли бир аёл ўз қисматини қуйидагича баён қилади: "Эрим Ш. тўрт фарзандини ташлаб бир аёл билан бўлиб кетди. Икки ойдирки, муҳтожликда яшаяпмиз. Ҳатто ўтин-кўмиримиз ҳам йўқ. Алимент ундирай десам қайнонамнинг юзидан ўтолмайман. У киши яхши. Катта қизим аллақачон ҳамма нарсани тушунадиган бўлиб қолган. Яқинда эрим келиб эшик ва шкафларни синдириб кетибди..."

Қўқонлик бу аёлнинг дарди кишини ўйлантиради. Ҳа, оила нотинч, болалар ота меҳрига зор, кўнгиллари ярим, ризқи насибалари ярим, маънавий дунёси шикаста... Жамиятимизнинг баркамол кишиси бундай шароитда қандай қилиб тарбия топа олади? Яхши фарзандларни, аввало, яхши оила, яхши ота-оналар тарбиялайди. Лекин очигини айтганда, баъзи оталар фақат номақбул қилғилиқлари билангина эмас, балки тубанликлари билан ҳам кечириб бўлмас гуноҳга йўл қўяётганликлари, оталик шаънига доғ тушираётганликлари ачинарлидир.

Биз барча ишларимизни қайта қураётган ҳозирги пайтда жамиятимиз ёш граждандари, эртанги кунимиз эгалари

бўлган болаларнинг маънавий оламини барбод этаётган бундай оталарга жамоатчилик, маҳалла-куй, қолаверса суд-прокуратура органлари нега бекфарқ қарамоқда, деган ўйларга бормай иложинг йўқ. Шу ўринда рус ёзувчиси Д. И. Писаревнинг бундан деярли ярим аср аввал айтган қуйидаги сўзлари эга келади: "Ҳозирги жамиятда кимгадир муҳаббат боғлаган аёл тўккан кўз ёшида эркакларга қарши оғир айбнома мужассамлашган". Бу сўзларни нафақат аламзада хотин-қизлар, шу билан бирга ҳуқуқ посбонлари ҳам билиб қўйса фойдадан холи бўлмасди.

Одамлар ўртасида меҳр йўқолиб кетяпти, оқибат камчил матоҳга айланиб бормоқда, дейиш осон. Энг муҳими, ана шу меҳр-оқибатни яратмоқ, тарбияламоқ, курашмоқ керак эмасми?! Сариосиё ноҳиясида яшовчи Т. нинг айтишича, унинг умр йўлдоши олтинчи фарзанди туғилиши олдидан бошқасига уйланиш тараддудига тушиб қолган. Аёлни таҳқирлаган, урган. Маълум бўлишича, шўрлик аёл оиласи учун жон куйдирган, фарзандларининг келажагини ўйлаган. Шу уйда у барча азобларга чидаган, уйдаги гапни кўчага олиб чиқмаган. Аммо, пичоқ бориб суякка қадалди... Лекин эр яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтармади. Охиروқибатда аёл мурғак гўдаги билан 85 ёшли отасининг пенсиясига шерик бўлиб ўтирибди.

Оила барқарорлиги, тинч-тотувлик ҳақида гап кетар экан, гуноҳни фақат эркакларгагина қўймоқчи эмасмиз. Ғаллаороллик М. нинг мактуби кишини беихтиёр ҳаяжонга солади. Бу қиз ўз хатти-ҳаракатларини икки фарзандлик бўлганидан кейингина танқидий баҳолай олди. Кейин тақдирга тан беришга мажбур бўлди. Совхоз матлубот бирлашмасига раҳбарлик қилаётган Ф. нинг сохта гапларига ишонган бу қизнинг ҳаёти бутунлай издан чиқди. Ўша машғум кунга қадар М. мактабни олтин медаль билан тамомлади, олий ўқув юртида сиртдан таҳсил ола бошлади. Унга келажак нури ҳаёт ваъда қилаётган эди. Бироқ у оналик ҳуқуқини даҳшатли айбнома сифатида кутиб олди. Боз устига, бола туғилиши билан жарроҳ тифига рўпара бўлди. Гўдакнинг бир оёғини кесиб ташлашга мажбур бўлишди. Бечора бола ойлаб касалхонада, ёлланган энагалар қўлида қолиб кетди. Сўнгра эса... айтишга тил айланмайди, гўдакнинг исм-шарифи йўргак устига ёзилиб, Тошкент шаҳридаги болалар уйларида бирига ташлаб кетилди...

Хўш, М. алданган эди дейлик ҳам. Аммо нега у ўз

бошлиғининг бола-чақаси, оиласи борлигини била туриб ўзини, келажагини бир умр бадном қилди? Энди унинг елкасидан оғир юкдай босиб ётган маломат тошини олиб ташлашга ҳеч кимнинг қурби етмайди!

Фарзандлар келажагимиз, бизнинг эртанги кунимиз деймиз. Бас, шундай экан, уларни тақдир ихтиёрига топшириб қўйган ота ҳам, она ҳам ҳаётда эътибор топадими? Табиий, улар улғаяди, оч-наҳор қолиб ҳам кетмайди. Бироқ уларни ким тарбияламасин, барибир у бола учун оила, ота-она ўрнини босолмайди, инсон қалбининг бир чети кемтик бўлиб қолаверади. Аслида ҳам, вақти келиб соч-соқолига қиров қўнган оталар, мункиллаб қолган оналар учун фарзандлар ҳам моддий, ҳам маънавий суюнчиқ, узоқ умр гарови эмасми? Халқимиз ота-она бўлиш осон, лекин ҳақиқий ота-оналик қилиш қийин деб бекорга айтмаган. Оила ва фарзандлар олдидаги масъулиятни унутиш — жамиятдаги маънавий таназзул илдизларидан биридир. Бунга жинойт деб қаралмоғи керак.

Шу ўринда бир мулоҳазани "қистириб" кетмоқчимиз. Маълумки, ошкоралик — ҳақиқат ва адолат тантанаси учун кураш, ҳалоллик, тўғрилиқ, софликни қарор топтириш, башарият, жамият, бутун мамлакатнинг келажаги учун масъулиятни зиммага олиш демакдир. Бироқ, ошкораликни шахсий адоватга, шахсий ўч олишга айлантириб юбормаслик лозим. Афсуски, кейинги вақтда шундай ҳам бўлаяпти. Ачинарлиси шундаки, мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам ошкоралик ниқоби остида бўяб-бежаб, "савдо"га олиб чиқяпмиз, халққа маълум қилияпмиз. Бунда ўзбекларга хос андишани унутиб қўяяпмиз. Чунончи, айрим оилавий келишмовчиликлар ошкоралик ўқи билан нишонга олинаётганлиги ана шундай бачканаликлардан биридир. Бундай ҳол чумчуққа замбаракдан ўқ отишга ўхшаб кўринади.

Бир гал (аниғи, 1988 йилда) Ўзбекистон телевидениеси орқали "алданган қиз"нинг изтироб тўла сўзлари эшиттирилди. Албатта, инсон сифатида унга ачинасан, дилинг оғрийди. Бечора қизнинг номуси топталипти... Аммо куч ишлатиб, уни мажбур қилишмади-ку! Таниш йигити машинасида олиб кетиб, ана шундай кўнгилсиз ҳодиса содир бўлибди. Ажабланасан киши. Хўш, кўнгли ишонмаган йигитнинг машинасига чиқиб сайр қилишга уни ким мажбур қилди? "Гаҳ" деса учиб-қўнаверадими? Ахир қандай оила, қайбир гумроҳ ота-она қўлида тарбия

кўрган қизки, у "бегона" эркакнинг кўзига тик қараса, бўйи етиб ҳам оқ-қорани ажратиб ололмаган бўлса. Бунга уни ким мажбур қилди, жамиятми, оилами, ота-онами ёки атрофдаги одамларми? Ахир, керак бўлса буни ҳуқуқ-тартибот органлари ҳал этавериши мумкин эди. Шуни телевидение экранига олиб чиқиб бутун жумҳуриятга ёйиш шартми? Бу ҳам ошкораликми?! Бундай йўлга ўтиладиган бўлса, ҳадемай эр-хотин ўртасидаги интим муносабатларни ҳам минбарга олиб чиқишдан ҳазар қилмайдиган бўлиб қоламиз-ку! Эҳтимол, бадий асарнинг йўриғи бўлакдир. Бироқ бутун кийим-кечакни ечиб ташлаб, ахлоқ-одобни йиғиштириб қўйиб вужудни кўз-кўз қилишнинг ошкораликка нима алоқаси бор. Бизнингча, бу андишасизлик, қош қўяман деб кўз чиқаришнинг худди ўзидир.

1989 йилда "Тошкент ҳақиқати" газетасида ҳам худди шунга ўхшаш воқеа босилган. "Фавқулодда чора" деб аталган мазкур танқидий материалда мухбир билан бирга, суд, прокуратура, тергов ходимлари ҳам қатнашади. Газетанинг деярли бир саҳифасини эгаллаган ана шу "ошкоралик мулоқоти"да томонлар зўр бериб феъли айниган отанинг қандай қилиб ўз қизига ола қараганини исботлашга тушиб кетадилар. Ҳар қадамда "ота"нинг ҳаёсизликлари, ҳатто мушкул ҳолатда қолган қизнинг "майли, адажон, мен розиман" деган гаплари "фош" этила боради. Хуллас, уятсизлик, шарм-ҳаёсизлик, ота-бола ўртасидаги "ҳолат" оқизмай-томизмай ёзилади. Мақсад — ахлоқсизликни, пасткашликни қоралаш, ҳақиқатни ошкор этишдир. Лекин ўйлаб қоласан киши, шуни айтиш учун қўлга қалам олиш, газета саҳифасини қоралаб ўтириш шартмиди. Ахир бу типик воқеа эмас-ку. Бизнингча шундай ҳодисалар тор доирада, суд-тергов органларининг ўзида ҳал этилгани маъқул. Бунга ошкоралик тўнини кийдиришга ҳеч бир ҳожат йўқ. Қолаверса бундай "ошкоралик"дан битта оила эмас, кўплаб пок ва ҳалол оилалар, ориятли ота-оналар, энг муҳими бутун бошли халқ шарманда бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бир каззобнинг касофати, исноди, ўйламасдан қилган иши билан кўпчиликнинг юзини ерга қаратишнинг ўзи одобсизлик эмасми? Пировардида шуни айтмоқчимизки, ошкоралик бизга берилган ниҳоятда тансиқ неъмат, лекин унинг кучини улуғ адиб Абдулла Қаҳҳор ибораси билан айтганда, ўтин ёришга сарфламаслик керак!

Энг аввало, яхши ва гўзал фазилатларни, ажойиб ва

халқчил хислатларни давлатимизни идора қилиб турган катта-кичик раҳбарлардан, тарбиячи ва муаллимлардан, ёзувчи ва журналистлардан, намунали ота-оналардан, атроф муҳитдан, кундалик, ўзаро муносабатлардан, ҳалолликдан, меҳнатсеварликдан, тил билан дилнинг бирлигидан, яқдилликдан, ҳамдардлик ва бошқа қатор ижобий-ижодий ишлардан олишимиз ва ўрганишимиз лозим.

"Маънавий тарбия бобидаги жамиятимиз юз тутган та-назулнинг чеки йўқ... лекин бу борадаги бош муаммони айтиш, у хусусида кўплашиб бош қотириш шарт. Бу шахс тарбияси, шахс қадр-қиммати масаласидир", — деб куюниб ёзади ёзувчи ва публицист Хуршид Дўстмуҳаммад ("Муштум" журнали, 1989 йил, 19-сон). Ёки экстрасенс Алан Чумакнинг "Бошқаларга олижаноб бўлишни ўргатишдан аввал ўзимиз ўшандай бўлишимиз керак" ("Советский спорт", 1989 йил 22 октябрь), деган гапларида қанчалар маъно бор!

ЎзССР халқ маорифи аълочиси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Турсунбой Қўчқоров шундай деб ёзади: "Бутун ахборот воситаларида номларини тилдан қўймай мақтадик, портретларини намойишларда баланд кўтариб ўтдик, ҳайкаллари пойига гулчамбарлар қўйдик. Қанчадан-қанча китоблар чоп этилди, уларни ўқувчиларга мажбуран ўқитдик, иншолар ёздирдик. Қимматли вақтимиз, олий нав қоғозларимиз, маблағларимиз кетди. Энг ёмони ишонч йўқолди, онгимиз заҳарланди... Чиройлик дарсликлар яратайлик, мазмунли қўлланмалар, панд-насиҳатлар ёзайлик, нашр қилайлик, "Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси"дан ўз урф-одатларимиз ва турмуш тарзимизга мослаб дурустроқ дарсликлар ижод қилайлик. Қачонгача кўчирмачилик қиламиз?!" ("Ўқитувчилар газетаси", 1990 йил 17 январь).

Турсунбой отанинг ўртанганича бор. Ҳадеб "доҳий"ларни байроқ қилавермасдан, ҳар хил даражадаги раҳбарларни мақтайвермасдан виждонимиз, турмуш тарзимиз (ўзбекона) ва урф-одатларимиз, миллий ғуруримиз, ички ва ташқи миллий туйғуларимиз, ахлоқимиз кўтарган ишларни қилишимиз зарур. Етар энди, ҳар хил "марказ" ва марказчаларга кўр-кўрона тобелик қилиш. Ҳақ-ҳуқуқимизни танийдиган вақт етганда ундан фойдаланмаслик қайси ахлоққа сиғади, кейинги авлод бизни кечирадими? Ҳозирги фожиалар-у, "ур-йиқит"лар биздан

уларга мерос бўлиб қолмаслиги керак. Агар биз ҳозиргидек шароитда ҳам ўтмишдагидек қўл қовуштириб, "лом-мим" демай ўтираверсак авлодларнинг бизнинг гўримизга мрамр тош қўйишларидан хомтама бўлмай қўя қолайлик. Гапнинг очиги шу. Эскича диний ривоят бўлса ҳам айтайлик, хизр ҳаётда одамга бор-йўғи бир марта йўлиқади, шунда ундан тилаганини олсанг-олдинг, йўқса икки дунёда ҳам сенга қорасини кўрсатмайди... Биз ҳозиргача бировнинг хизирни кўрган-кўрмаганини билмадик-ку, аммо биз чиндан ҳам "Хизр назар қилган" даврда яшаяпмиз. Ошкоралик ва демократия эшикларимизни қоқиб турипти. Биз унга дадил пешвоз чиқишимиз лозим. Дарвоқе, биз кимлардан ўрганиб, кимдан намуна олишимиз керак?

Биз кўп йиллар бадалида капиталистик мамлакатларга таъна тошларини ирғитиб, уларни иқтисодиётда ҳам, маънавият, ахлоқ-одоб, маданият соҳасида ҳам камситиб келдик. Ўзимиздаги манманликни бировларнинг елкасига юкладик, гўё бизнинг олдимизга ҳеч ким тушолмайди, Советлар етган чўққига, капиталистларнинг чиқишига йўл бўлсин. Биз ҳозир бундай кибр-ҳавонинг бемаънилигини англаб етдик. Уларда ҳам биз ўрганадиган, намуна оладиган жиҳатлар кўп экан. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил деган шарқ мақолига амал қилмай қўйган эканмиз. Қаранг, чираниб-чираниб қарийб маънавиятимиздан ҳам ажралиб қолай дебмиз-а!

Оддий бир мисол. Газеталардан бирининг ёзишича, Англиянинг собиқ бош вазири Маргарет Тетчернинг қизи онаси билан тайёрада бирга учиш учун йўл кирани ўз ёнидан нақд тўлар экан.

Бу мамлакатда фақат уч министр давлат ишлари учун ажратилган машиналардан фойдаланади. Қолганлари ўзларининг шахсий машиналарида ёки автобусларда хизмат жойларига боришади. Бизда бўлса бошқача. Оддий ижроқўмлардан тортиб, то катта-кичик министрларгача давлат машиналари эшиклари олдига келиб сигнал бермагунча уйларида жилишмайди. Уларнинг эркатой фарзандларини айтмайсизми. Улар боғчадан бошлаб институтгача раҳбар отасининг ёки онасининг хизмат машинасида боришади. Меҳмонга, бозорга ва давлат ишидан мутлақо ташқаридаги яна бошқа юмушларга давлатнинг қанчадан-қанча маблағини сарфлашади. Бу хилдаги сунистьёмолликларга раҳбарлар кўпам эътибор беришмайди. Аммо болалар, ўсмирлар ва бошқа кишиларда

бемаъни ҳавас уйғонади. Баъзан ягона ўқувчилар кийими бўлишига қарамасдан айрим раҳбарларнинг болалари хорижий кийимларини ўртоқларига кўз-кўз қилишади.

1989 йилнинг 23 октябрида Ўзбекистон телевидениеси "Инсон ва қонун" кўрсатувини намойиш қилди. Шу кўрсатувда "Раҳбарларнинг фарзандларидан кимлар Афғонистондаги байналмилалчилик жангида қатнашди?" деган савол ўртага ташланди. Афсуски, бу саволга ҳеч ким жавоб беролмади. Чунки аслида йўқ нарсани "бор" деб бўладими. Қозонда бори чўмичга чиқади-да, ахир. Кейинроқ биз "Қишлоқ ҳақиқати" газетасида журналист Шароф Убайдуллаевнинг ана шу мавзуга бағишланган катта публицистик мақоласини ўқидик. Маълум бўлишича, жумҳуриятимизда биронта ҳам раҳбарнинг фарзанди Афғонистонга бормаган, аксинча, армиядаги ўз хизмат бурчини бажараётганлари ҳам СССРнинг нисбатан узоқроқ ҳудуди нари турсин, ҳатто жумҳуриятдан, Тошкент шаҳридан ташқарига чиқмаган экан.

Жамиятимизда ҳалол меҳнат қилаётган колхозчи, ишчи, хизматчи ва қатор раҳбарларни санаб чиқишнинг иложи бўлмаса керак. Айни вақтда хизмат лавозимини отасидан қолган "мерос" деб тушунувчилар ҳам йўқ эмас. Бой-бойга боқар, деган кўҳна иборанинг ҳамон кун тартибидан тушмаганига ҳайрон қоласан киши. Хўш, бундай кишилар ёшларга нимаси билан намуна бўлишяпти? Айтайлик, нима учун вазир қассобхона ёки дўконларга шахсан бориб кундалик эҳтиёж молларини ўзи харид қилиб олмаслиги керак ёки нима учун ижроқўмлар ва уларнинг мутасаддилари оддий йўловчилар билан бирга шаҳар транспортида юриб, қийналиб аҳволни ўз кўзлари билан кўрмасликлари керак? Бу хилдаги турмуш тарзимиз фақат ёшларимиздагина эмас, балки катталарда ҳам амал курсисига ўтиришга, қандай қилиб бўлса-да бошқаларга ўз сўзларини ўтказишга иштиёқ уйғотмоқда, холос.

Дарвоқе, ёшлар кимлардан ўртак олишлари керак? Ўзгалардан юксак маънавият, поклик, ҳалоллик, ахлоқ талаб қилган "казо-казо"ларнинг ўзи ўз сўзларига амал қиладиларми? Ахлоқ принциплари, социалистик тартиб-интизом ҳамма учун бирдек бўлиши керак-ку, ахир! Партиянинг ичида партиявий ўртоқлик, партиявий яқдиллик, биродарлик, меҳр-оқибат, бир-бирига ғам-хўрлик, бир-бирини яхши-ёмон кунларда қўллаб-қувватлаш каби маънавий фазилатларимиз оёқ ости қилинмадими?

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг қуйидаги сўзлари характерлидир: "Қайта қуриш ва ошкораликнинг Ватанида, яъни бизнинг мамлакатимизда демократик социализмни қуриш жуда секин ва ниҳоятда қийинлик билан борапти. Кўп йиллар ва жуда кўп масалаларда алданиб қолган одамлар ўз йўлбошчисига, партия аппаратига, давлат идораларига унчалик ишонқирамай қарамоқдалар. Қолаверса, уларнинг кўзларига қайта қуришнинг охири кўринмаётгандай бўляпти. Шунинг учунми, жамиятимизнинг етакчи кучи бўлмиш партиямизга омманинг ишончи пасайиб бормоқда. Яширишнинг ҳожати йўқ: партиямиз ҳам ўнгдан, ҳам сўлдан гоҳ ўринли, гоҳ ўринсиз танқид қилинмоқда. Адолатли танқиднинг зиёни йўқ. Лекин тан олайлик, партиямиз сафига таъмагирлар, амалпарастлар, юлғичлар, сохтакорлар, ахлоқсиз кишилар ҳам анчагина суқилиб кириб қолган. Улар, менимча, илғор, зиёли коммунистлар оммаси билан маслакдош эмаслар. Ундайлар партиянинг қўлига қараб турадилар: берса яхши, бермаса ёмон. Ҳозир партия аъзосининг савияси, унинг қай даражада зиёли эканлиги алоҳида аҳамиятга эга. Зиёли кучгина партияни янгилай олади. Бир маслак байроғи остида тўпланиб, бир ёқадан бош чиқариб инқилоб қилган, Совет ҳокимиятини ички-ташқи душманлардан сақлаб қолган, фашизм балосини даф қилишда етакчи бўлган куч ҳозирги кунда ўз зиёли қудрати билан барча эски иллатлардан қутулиши мумкин. Бунинг учун коммунистик қуйилма — бирлик, якдиллик, юксак маънавиятга асосланган партиявий ўртоқлик зарур" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1990 йил 28 январь).

Оила, одоб-ахлоқ тушунчаларини кенг маънода англамоқ лозим. Бутун мамлакат — бир оила. Коллектив — бир оила. Оиланинг ғами ҳам, қувонч ва ташвишлари ҳам бир бўлади. Уларнинг ғамхўр ва меҳрибон бўлишлари раҳбарлар намунасига боғлиқ. Афсуски, кейинги вақтда партиянинг ўз ичида ҳам тўғри йўлдан озишлар, айнишлар, ахлоқий бузилишлар содир бўлди. Мисол учун жумҳурият партия ташкилотининг собиқ биринчи котиби И. Усмонхўжаевнинг тақдирини олинг. У ўзининг партиявий ўртоқлари олдида дилини очмади, бошқаларни "фош" этишга маълум ҳисса қўшди-ю, аммо унинг ўзига тўғри йўлни кўрсатган маслакдошларига риёкорлик қилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми ўз аҳамияти жиҳатидан жуда катта тарихий

воқеа бўлди. Пленумда жумҳуриятимизнинг илгариги раҳбарияти билан боғлиқ хатоликлар ва бошқа ахлоққа зид хатти-ҳаракатлар танқид қилинган эди. Шундан сўнг жумҳурият ҳаётида туб бурилишлар бўлиши, вазият соғломлашиши ўрнига, кўзбўямачилик, порахўрлик, ўғирликлар, талон-торож ва бузуқликлар давом эттирилди. Маъмурий буйруқбозлик, бошқарув органларига тазйиқ ўтказиш, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик, манманлик, танқидни бўғиш, оддий кишиларга паст назар билан қараш каби иллатларга узил-кесил барҳам берилмади. Ноҳақ ҳибсга олишлар, ошириб кўрсатишлар авж олди. Бундай сиёсат маъмурият раҳбарларини боши берк кўчага олиб кириб қўйди. Ўз айбини кўрмай, ўзгалардан айб ахтарган, ўзларининг "юк"ини ҳам бошқаларнинг елкасига ортмоқчи бўлган "биринчи" ва унинг гумашталари "темир қафас"га йўл олишди...

Шубҳасиз, бу ерда чинакам инсонийлик, маънавий поклик, ҳалоллик унутилган эди. Ҳолбуки, инсон ўз виждони ва халқи олдида ҳамиша очиқ юз билан ҳисоб бера оладиган бўлиши керак. Акс ҳолда эса киши маънавий, ахлоқий таназзулга учрайди. Сўнгги йилларда партиявий манманлик, тўрачиликнинг авж олиб кетганлиги маънавий инқирозга олиб келди. Собиқ раҳбарлар ҳар бир ишни ўз номидан эмас, партия номидан амалга оширдилар, натижада, нотўғри ишларнинг чуви чиққач, улар бутунлай партия елкасига юкланди. Риёкорликни қаранг, улар барча номаъқулчиликлар учун конкрет шахс сифатида ўзлари эмас, партия жавоб беришини истаб қолишди. Озгина ютуқлар эса, баъзи бировларни талтайтириб юборди. Поп ноҳияси агросаноат бирлашмасининг собиқ раҳбари Аҳмаджон Одилов фаолияти бунга ёрқин мисол бўла олади. У қўлга киритган муваффақиятлари олдида эсанкираб қолди, ўзини тута билмай манманлик касалига йўлиқди. Бу манманлик кулфат билан якунланди.

Ўзбекистон Компартиясининг 1990 йил июнда бўлиб ўтган XXII съездида жумҳуриятнинг илгариги раҳбарлари фаолиятига тўғри ва узил-кесил сиёсий баҳо берилди.

"Биз Рашидов номи билан боғлиқ бўлган барча салбий нарсаларни қоралаймиз. Бу салбий нарсалар биз учун мақбул эмас,— дейилди съездда. Биз ўтмиш иллатларидан покланишимиз керак. Бусиз олға қараб ҳаракат қилолмаймиз.

Шу билан бир қаторда ўша даврдаги қилмишларни

этиликда ҳаётдан кўз юмган битта шахснинг ўзигагина боғлаб қўя олмаймиз. Боз устига Рашидовни бугун фош этиётганларнинг аксарияти ўша вақтлар анча баланд лавозимларда у билан бирга ишлаган эдилар. Шундай экан, ҳозир унинг номини сотишга йўл қўйиб бўлмайди.

Оддийгина диёнат, андиша туйғуси, ўтмиш учун шахсий масъулият каби тушунчалар тўғрисида гапирганимизда ҳам ана шундай субутсизлик усуллариининг хавфи шундаки, ҳозир ҳам айрим кимсалар ўз нафсониятини ўйлаб, зир югуриб, ўзларини сақлаб қолишга ва ҳатто янги тўлқинларда яна баландроқ "амал тахти"га минишга уринмоқдалар" (Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия XXII съездига сиёсий маърузаси. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1990, 25-26-бетлар).

Дарвоқе, шу ўринда жумҳуриятимиз ҳамда Совет Иттифоқи Ички ишлар вазирликларининг 20 раҳбар ходими ҳам дили билан тили бир бўлмагани сабабли ҳалқумидан илинганини айтиб ўтиш керак. 1989 йилнинг беш ойида 35 нафар гуноҳкорнинг иши судда кўриб чиқилди. Улардан 35 миллион сўм пул ва бошқа қимматбаҳо буюмлар мусодара қилинди. Бундай иснод келтирувчи, ўлканинг ҳалол одамлари шаънини ерга урувчи "иш"лар фақат жумҳуриятимизда эмас. Унинг ўқ томирлари анча узоқроққа бориб тақалади. Уларнинг идизлари турғунлик йиллари, Никита Хрушчевнинг беқарор сиёсати, Леонид Брежневнинг лаганбардорликка асосланган салтанати, Медуновлар ва Шчелоковлардан бошланган. Ахлоқсизлик, умумий маънавиятсизлик социализмнинг асил қадриятларини хиралаштирди, одамларни ҳокимиятдан, давлатдан узоқлаштирди, уларнинг ўзига ўзини "бегона" қилиб қўйди.

Маълумки, КПСС XXVIII съезди умуминсоний қадриятларнинг синфий, партиявий, миллий ва шу каби бошқа қадриятлардан устунлигини эълон қилди. Бу, дастлабки қарашда одатдагидек кўринган фалсафий хулоса, партия учун жуда катта сиёсий аҳамиятга эгадир. Чунки биз кўп вақт иш манфаатларини инсон манфаатларига қарама-қарши қўйиб келганмиз. Сўзда "Ҳамма нарса инсон учун, унинг фаровонлиги учун" шиори эълон қилинган бўлса-да, амалда ҳар бир кишига йирик давлат машинасининг винтчалари сифатида қараб келдик.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1990 йил августда бўлган пленумида КПСС Марказий

Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, жумҳуриятимиз Президенти шундай деб таъкидлади: "Ҳар бир одамнинг олижаноб, ҳалол, ўзига хос инсоний фазилатлари кўп бўлади. Оғир вақт юзага келганида энг яхши кишилар одамларнинг келажаги учун, ўсиб келаётган бўлажак авлод учун ўзларини қурбон қилишлари тасодифий эмас-ку ахир!

Лекин ҳар бир кишининг қоронғу, худбинлик жиҳатлари ҳам бор. Ҳамма нарса бизнинг одамларда инсонийликни уйғотишимизга, улар қалбидаги қайси торларни чертишимизга боғлиқ. Бизнинг тарғиботимиз ўз зиммасига олган энг юксак масъулият ана шу билан белгиланади. Биз тарихимиздаги хато, фожиали, ғайриинсоний воқеалар билан бир қаторда бутун ўтмишимизни ўчириб, уни қора бўёқ билан бўяб ташлаётган вақтимизда инсонлар қалбидаги маънавий асослар бўрта бошлаган эмасмикин?... ("Совет Ўзбекистони" газетаси, 1990 йил 4.август).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жумҳуриятимизнинг туб миллат аҳолисида ички маданият қадим-қадимдан жуда кучли бўлиб, ўзаро мунс абатлар олий инсоний, дўстона, имон-инсоф, диёнат асос да давом этиб келган. Инсонийликка ёт бўлган дағаллик, андишасизлик, кўполлик, манманлик, фирромлик кўринишлари қораланган. Демократия деб аталмиш халқчил замонда эса, одамларда бир-бирига талабчанлик, иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат, ахлоқий поклик тобора ортиши, кўпайиши лозим. Юксак демократия ва чинакам маданиятга эришган мамлакатларда ана шундай йўсин ҳукмрон. У ерда муносабатлардаги кўполлик, бир-бирини кўролмаслик, бахиллик, ичи қоралик, зиқналик кечириб бўлмайдиган жиноят ҳисобланади. Яхшиликка миннатдорчилик билдириш оддий инсоний одатдир. Бошқа миллатларни асло камситмаган ҳолда шуни айтиш керакки, ана шундай умуминсоний фазилатлар ҳаммаша ўзбекларга хосдир, одатларимиз, анъаналаримиз бошқаларга ўрнак бўларлидир.

Дарвоқе, инсонни мўъжизаларнинг мўъжизаси дейиш мумкин. Инсон учун ҳаёт, умр, йил, ҳар бир сония, бахт ва бахтсизлик тушунчалари уйғунлашиб, синов деган маънони англатади. Синов — имтиҳон эса курашсиз бўлмайди. Курашлар одамни баландликка — ёғдулар чўққисига бошлайди, гоҳо таг-туғи йўқ жарликларга улоқтириб ташласа, гоҳо водийлардан, чаманзорлардан, саҳролардан олиб

ўтади, гулзор ва тиканзорларга рўпара қилади, меҳр ва қаҳрга, диёнат ва хиёнатга дучор этади. Ҳаёт деб аталмиш бу куч унинг қўлига тириклик шамини ҳам, шамширини ҳам тутқазади. Битта табаррук сўзи учун худога, биргина ножоиз, номаъқул гапи учун ҳатто гадога айлантиради. Ана шундай курашларда бокиралигини, гўзаллигини, мўъжизакор қудратини, самимиятини сақлаб қололганлар, виждонини йўқотмаганларгина ҳаёт синовларидан яхши ўтдим деб ўзларига ўзлари ҳисоб беришга ҳақли бўла оладилар. Инсоннинг инсонлиги ана шунда билинади.

Хўш, инсон моҳиятини нимада деб билиш керак? Одамларни ҳайвонлардан онгига, дилига қараб фарқлаш мумкин. Чунки улар ўзларига керакли бўлган тирикчилик воситаларини ишлаб чиқара бошлайдилар, ўзларининг гавда тузилишлари тақозо этган қадамни қўйишлари билан ўзларини ҳайвонлардан ажрата бошлайдилар. Бинобарин, инсон табиати теварак муҳитга мослашиш жараёнида нарсаларни ўз эҳтиёжига яраша ўзгартириш ва ҳаётий зарур буюмларни ишлаб чиқариш асосида шакллана бошлаган. Ҳаёт учун олиб борилган бундай заҳматли, мураккаб кураш инсоннинг жисмоний ва маънавий кучларининг ривожланишига, унда маълум тажриба, кўникма ва қобилиятнинг шаклланишига олиб келади. Шу тариқа меҳнат инсон яшаши учун биринчи асосий ва табиий эҳтиёжга айланади.

Инсон жисмоний ҳамда маънавий эҳтиёжсиз бўлмайди. Эҳтиёжлар — инсон фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади. Эҳтиёжни қондириш учун шахснинг барча жисмоний ва маънавий кучи сафарбар этилади. Олий мақсадлар, юксак вазифалар, барча интилишлар, хоҳиш-истаклар эҳтиёж туфайли рўёбга чиқади, уларни қондирган сари яна янги эҳтиёжлар пайдо бўлаверади. Инсон эҳтиёжлари, К. Маркс таъбири билан айтганда, табиий, биологик, интеллектуал, ахлоқий-эстетик ва ҳоказо томонлардан ташкил топади. Яратувчи меҳнатга асосланган эҳтиёжлар инсонни улуғлайди, унинг мартабасини оширади, обрў-эътиборини кўтаради, ахлоқий поклик ва гўзалликка ошно қилади.

Зокиржон Собировни ҳаёт тегирмонидан бутун чиққан, не-не синовларга бардош бериб, ўзининг маънавиятига, эътиқодига содиқ қолган замондошларимиздан бири десак адашмаймиз. У энг аввало ҳақиқий меҳнаткаш инсондир. У урушнинг даҳшатли кунларида кетмон ушлаб далага чиқди. Бир қошиқ ёвғон аталага куни қолганда ҳам зор-

ланишни билмади. Табелчи, кассир, хўжалик ишлари мудир, колхозда котиб, ҳисобчи бўлганида ҳам ўша Зокиржонлигича қолаверди, манманликни хаёлига келтирмади. Бу киши бора-бора эл меҳрини қозонган, тадбиркор раҳбар даражасигача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди. Инсонга хос табиий эҳтиёжлар уни тарк этмади. Одамларга ғамхўрлик, меҳрибонлик доимий йўлдоши бўлди.

Зокиржон ака ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда аввал ҳисобчилар тайёрлаш курсини, кейинчалик Тошкент қишлоқ хўжалик институтини тамомлади. 1952 йилда "Правда Востока" жамоа хўжалиги раислигига сайланди. Бу даврда хўжаликда пахта ҳосилдорлигини 21 центнердан 38 центнерга кўтарди. Қишлоқ бош режа асосида қайта қурилди, иқтисодиёт юксалди. Ҳамма тармоқлар фойда келтирувчи тармоққа айланди. Колхоз Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Бригада бошлиқлари Искандар Ёқубов, Қобилжон Мирзаев Ватаннинг олий мукофоти — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонларини олишди, кўплаб колхозчилар ҳам орден ва медаллар билан мукофотландилар. Хўжалик бутун мамлакатга донг таратди. Жамоа хўжалиги боғлари ва томорқаларидан беш минг сўмдан то ўн минг сўмгача даромад олинди. Шу оралиқда Зокиржон Собиров ноҳиядаги "Социализм" ва "Ўзбекистон" жамоа хўжалиklarини ҳам бой-бадавлат хўжаликларга айлантиришда бир неча йил бош-қош бўлди. Сўнгра яна ўзининг қадрдон хўжалигига қайтиб келди. У моҳир мураббий ва ғамхўр ота ҳамдир. Кўплаб ажойиб раҳбарлар, бош мутахассисларни тарбиялаб етиштирди. Уч ўғил ва беш қизни камолга етказди, уларни олий маълумотли мутахассислар қилиб, мустақил ҳаётга йўллади. У қишлоқ мактаб ва маориф ишларини ривожлантиришдаги хизматлари учун "Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси" унвонига ҳам сазовор бўлди.

Эътиқодли коммунист, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зокиржон Собиров ҳозир кексалик гаштини сураётган бўлса ҳам, ҳамон сафда. Ахир доимо эл-юрт билан бирга бўлган одамнинг юраги осудаликка, танҳоликка кўника олармиди. Агар таъбир жойиз бўлса, Зокиржон ака умр бўйи виждон билан юзма-юз яшаб келмоқда. У ўзи босиб ўтган йўлга ҳадик билан қарамайди. Унинг жамият ва одамлар олдида юзи ёруғ, тили бурро, қалби худди ўша гўдаклигидай тоза ва мусаффо. Унинг раисликни топширганига анча бўлди. Бироқ

Ленинск шаҳар ва Андижон вилоят партия комитетлари катта-кичик йиғинларда унинг мулоҳазаларини диққат билан эшитишади. Ундан йўл-йўриқлар, маслаҳатлар олиб туришади. Зеро бу айна вақтда қайта қуриш дастурини амалга оширишда энг мақбул йўлдир. Чунки тажрибали, билимдон, донишманд кексалар — хазиналар калити. Улардан фойдаланиш, бундай кишиларга суяниш ақллилик нишонаси ҳисобланади.

Шу ўринда Шарқда машҳур бўлган бир ривоят эсга тушади. Айтишларича, қадим замонларда бир подшо ишга яроқсиз қарияларни қириб ташлаш ҳақида фармон чиқарибди. Шунда бир эсли йигит отасини ўлдиришга виждони чидамасдан уни ертўлага яшириб, боқаверибди. Бир куни подшо давлати арконлари, лашкарлари билан кетаётиб, дарё тубида ялтираб турган гавҳар — шамчироқни кўриб қолибди. Уни олиб чиқишни буюрибди. Олиб чиқолмаганларнинг бошини кестираверибди. Навбат ҳалиги ақлли йигитга етай деганда у отаси ҳузурига келиб, воқеани айтибди. Шунда отаси: "Гавҳар — шамчироқ дарёнинг тубида эмас, балки дарё қирғоғидаги дарахт тепасида", — дебди. Йигит отаси айтганини қилиб шамчироқни олиб тушиб подшога берибди ва ўлимдан қутилиб қолибди. Шундан сўнг подшо йигитдаги тадбиркорлик боисини сўрабди. "Бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман", — дебди йигит. Подшо кўнибди. Йигит бундай ақл кекса отасидан чиққанини айтиб берибди. Ўшандан бошлаб подшо кекса кишиларни асраб-авайлаб, уларнинг ақли, тадбиркорлигидан фойдаланиб, юртни тўқ ва обод қилган экан. Бу ривоятдан чиқадиган хулоса шуки, ёшлардаги куч-ғайратни кексалардаги донолик ва тажриба билан мустаҳкамлаш лозим.

Назаримизда, Зокиржон акага ўхшаш кўпни кўрган, тажрибали, ҳалол, соф виждонли раҳбар кадрлардан фойдаланиш ҳам қарз, ҳам фарздир. Ҳолбуки ҳозир бундай кишиларнинг аксарияти ишлаб чиқаришдан ўринсиз четлаштириб юборилган. Уларнинг тажрибаси сувга чўккан тошдай қолиб кетаётир. Бундай йўл замонга тескари иш, ахлоқ-одобга зид хатти-ҳаракат сифатида қораланмоғи керак. Ёшлардаги ақл-идрокнинг тиниқлиги, маънавий-ахлоқий камолат кексалардаги тажриба ва донолик билан уйғунлашиб кетиши лозим.

Зокиржон аканинг тажрибасига таяниб қуйидагиларни айтиш мумкин. Айримларда билим бўлса, тажриба йўқ. Ҳар иккала фазилат уйғунлашган тақдирда сиёсий

етуклик етишмайди. Шу туфайль раҳбар кадрларни кўпроқ амалиётда, бевосита иш жараёнида чиниқтириш керак. Партиямиз бу борада аниқ ва ёрқин фикрини айтганлиги маълум. Жумладан, ҳар бир меҳнат коллективига демократия йўли билан ўз ичидан билимдон, истеъдодли, талабчан, қатъиятли, интизомли, маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксак, одамлар ишончини ҳар томонлама қозона оладиган, уларни орқасидан эргаштириш салоҳиятига эга бўлган кишиларни раҳбарлик лавозимларига очиқ ёки ёпиқ овоз йўли билан сайлаш ҳуқуқи берилган. Буни тўғри тушуниш ва тўғри қабул қилиш зарур. Консервативлик қилиб, умумий ишга зарар келтиришнинг демократияга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, шахсий манфаатлар қобиғига ўралиб, бефарқ яшайдиган бўлсак, менга зиёни теккани йўқ, бурнимни чертмаган, кўнгли кенг деб бирор лаёқатсиз номзодга овоз бериб юборишгача бориб қоламиз-ку. Тўғри, демократия — жамиятимизнинг мазмуни ва моҳиятидир. Бу — умумманфаатнинг шахсий манфаатдан устунлиги демакдир. Шундай экан, уни суистеъмол қилиш сиёсий саводсизликкина эмас, аynи пайтда онгсизлик ва ахлоқсизлик ҳамдир. Демократия ҳар қандай гуруҳбозликдан баланд турмоғи лозим.

"Қишлоқ ҳақиқати" газетасининг 1989 йил 7 февраль сонида Зокиржон Собировнинг мухбир билан суҳбати эълон қилинди.

— Кооперация тўғрисидаги қонун совет кишилари учун жуда катта имтиёз,— дейди Зокиржон ака.— Қобилиятингиз ва истеъдодингиз нимага қодир бўлса, ҳаммасини ишга солинг. Бироқ шуни унутмаслик керакки, ҳар бир нарсада социалистик қонунчилик чегарасидан чиқиб кетмаслик керак. Яна ўша юзакичилик, бефарқлик, масаланинг туб моҳиятини англамасдан иш тутиш илллати кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлмоқда. Қобилиятингизни ишга солинг дегани — чинакамига меҳнат қилинг, деган маънони билдиради. Ҳар ҳолда шайтонга дарс берувчиларга "яшил чироқ" ёқилди, дегани эмас.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, икки қадамда битта кооператив ошхонага дуч келасиз. Бир сих кабоб бир сўм, сал кам бир коса палов икки сўм, лағмон бир сўмдан зиёд. Борингки, олмадек чойнакдаги чой ҳам ўн тийин-йигирма тийинга чиқиб кетди. Лекин мана шу кооперативни ташкил қилиб, жарақ-жарақ фойда кўраётганлар ўзлари бирор маҳсулот яратмайди. Гўшт комбинатлари

ва магазинларнинг кемирувчиси бўлиб олишган. Аҳолига тегишли бўлган гўштнинг тўрт бурдасини бир сўмдан сотишмоқда. Чайқовчисан, деб кўринг-чи, ёқангиздан олиб, кооперация тўғрисидаги қонунни тарсакига айлантириб юзингизга уришга тайёр. Алам қиладигани шуки, уларнинг кўпчилиги на В. И. Лениннинг кооперация ҳақидаги асаридан бирор сатрни, на бу ҳақдаги қонунни ўқиган.

Енгил автомашиналарга хизмат кўрсатувчи устахоналар ҳам кооперация ниқобига ўралганича болалаб кетди. Чайқов бозорига тушган ўт бу ерда алангага айланган. Ўзлари яратган нарса аккумуляторнинг тозаланган суви, холос. Қолган барча эҳтиёт қисмлар давлатники, хизмат ҳақи эса учуқ тошириб юборади. Бунинг номи ҳам кооперация. Бу давлат маҳсулотлари устида чайқовчилик-ку. Агар аҳвол шундай давом этаверса, эртагаёқ яна битта чаққон чиқиб магазинлардаги чойларни йиғиштириб олиб, "Чой" кооперативини тузади. Қани энди ўша ишбилармонларнинг бирортаси чойни, совунни, тузни ўзи яратса! Шу ҳам замонга муносиб, ахлоқ-одобга мойил ишми?!

Видеобарлар очилганида, айниқса қишлоқ ёшларининг ҳам пешонасига офтоб тегадиган бўлди, деб қувонгандим,— дейди Зокиржон Собиров,— ўйлаганимдай бўлмади. Офтоб эмас, мушт тега бошлади. Тўғри, улар орасида ёшлар тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётганлари ҳам йўқ эмас. Лекин жуда оз. Аксариятида яширин тарзда муштлишиш, ўғрилик, талончилик, босқинчилик, зўравонлик, ахлоқий бузуқлик тўғрисидаги чет эл фильмлари кўрсатилмоқда. Оқибатда баъзи енгилтак ёшлар киноларда кўрган воқеаларни амалда синаб кўришни истаб қолишаётир. Чунки фильмларнинг ўзи андишасизликни, ахлоқсизликни тарғиб қилади.

...Бугун бизнинг буюк ғоялар, улкан мақсадлар, эзгу ниятлар билан яшаётганимиз бутун дунёга маълум. Ҳар биримиз шошмасдан, ҳовлиқмасдан ўша ғояларни чуқур ўрганиб, ақл ва қалбимизга тўғри жо қилиб ҳаракат қилсак, барча ўзбошимчалик, инсофга, диёнатга зид ишларнинг йўли тўсилади. Бунинг учун виждон олдида соф бўлиш талаб этилади, холос. Эртанги кунимиз, унинг мазмуни ва қисфаси ҳақида кўпроқ ўйламоқ керак. Фарзандларимиз, набираларимиз етук инсонлар бўлиб шаклланишлари, уларнинг яхши яшашлари, ишимизнинг давомчилари бўлишлари учун биз нималар қилишимиз лозим? Бугунги кундаги асосий ишимиз ана шу муаммони

рассомлик факультетларини битирганларни мактабларда кам учратасиз. Ҳаёт ҳақидаги дарслик бўлмиш адабиётга муҳаббат уйғотадиган, жаҳон бастакорларини, айниқса, миллий музика меросимизни ўқувчилар қалбига жойлайдиган моҳир муаллимларга муҳтожмиз.

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленуми революцион қайта қуриш сиёсати, ошкоралик ва социалистик демократияни мактабларга, жумладан олий ўқув юртларига татбиқ этиш ҳамда тўлиқ амалга оширишнинг бориши ва кўрилган чора-тадбирларни кенг муҳокама қилди, мавжуд камчиликларни тезда йўқотиш билан бирга барча мактабларни, шу қаторда олий ўқув юртларини ҳам қайта қуриш, уни тез суръатлар билан тараққий этдириш имкониятларини юзага келтириш йўллари белгилаб берди.

"Ўқитувчи кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилаш, педагогика ўқув юртларига болалар билан ишлашга қизиқадиган, бунинг ўз вазифаси деб биладиган энг яхши ёшларни танлаб олиш зарур",— деб таъкидланди Пленумда (КПСС Марказий Комитети пленумининг материаллари, 1988 йил 17-18 февраль, "Ўзбекистон", 1988, 76-бет).

Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди дастурида: "Ўзбекистон Компартияси оналикни ва болаликни ҳимоя қилишни, ҳар бир бола соғлом ва уйғун ўсиши учун барча шарт-шароитларни яратишни ўзининг маънавий бурчи деб ҳисоблайди",— деб кўрсатиб ўтилди. Демак, Марказий Комитет бола шахсининг гармоник ривожланишини таъминлашни ҳал этилиши шарт бўлган муаммолар ичида биринчи даражали вазифа қилиб қўяди.

Сирасини айтганда, кейинги вақтларда нуқул болалар келажагимиз, деб ўзимизга-ўзимиз таскин бериб, болалик бугунги кунимиз, бугунги реаллик эканини унутиб қўйдик. Болаларга, улар шахсини ҳар томонлама уйғун шакллантириш ва ривожлантиришга лоқайд қаралганлиги жамият ахлоқида бузилишлар, маънавий кўрлик, жиноятларнинг авж олиши, иқтисодий таназуллар, сиёсий танглик, илм-фан ютуқларидан бебаҳралик каби бошқа аянчли ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бадиий ва эстетик тарбия шахсни уйғун ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир. Бадиий тарбия асосан бадиий асарлар орқали шакллантирилади.

Хўш, жумҳуриятимиздаги салкам 7 миллионли ўқувчи-ёшларнинг бадиий-эстетик тарбияси қай аҳволда?

Ҳар йили юз бераётган қарийб юз минг жиноятнинг етмиш фоизини ёши ўттизгача бўлган ўсмирлар ва ёшлар содир этаётган, ўсмирлар ўртасида жиноят кун сайин, соат сайин ўсиб бораётган экан, бунинг сабабини, иллатларини қаердан ахтармоқ керак? Бунинг сабабини ҳуқуқшунослар ҳуқуқ тарғиботининг йўқлигидан, деб билсалар, иқтисод ҳакамлари 9 миллиондан зиёд ҳамюртларимизнинг қашшоқлашиб қолганидан, деб билмоқдалар. Ҳар иккала фикр ҳам ҳақиқатга яқин. Бироқ, ҳар бир ҳаракатнинг асосида ахлоқ ёки ахлоқсизлик ётади. Бадиий ва эстетик тарбияси чала бўлган ёшнинг ахлоқи мумкамал дейиш мумкинми? Йўқ. Турган гап ўқимишли, саводхон, маданиятли, ахлоқли йигит ва қиз жиноятга қўл урмайди, кўра-била туриб ўзини жаҳаннам қаърига тинишамайди, жаҳолатдан ҳазар қилади.

Бугунги кунда жумҳуриятимизда 2 та ўсмирлар лагерини битта балоғатга етмаган қизлар тарбияхонаси ишлатмоқда. Демак, минглаб ўсмирларнинг тақдири ана шу "тамхона"ларда ҳал бўляпти. Бу ердаги келажагига қора доғ туша бошлаган болаларнинг аксарияти бадиий асар ўқимаган, санъат нима эканини яхши ҳис этмасдан, тушунмасдан вояга етган.

Яқинда ёзувчи Тоҳир Маликнинг "Алвидо, болалик" китоби нашр этилди. Очиғи, асарни йиғлаб ўқийсиз. Асарнинг "ўн гулидан бир гули очилмаган" ёш қаҳармонлари тушиб қолган оғир, диққинафас, машаққатли, почор шароит ёзувчини ҳаяжонга солади. Зотан, у ана шу болалар тақдирини ўйлаб изтиробга тушмаганида ижтимоий муҳитнинг айбдорлари ҳақида бунчалик безовта ситрларни битмаган бўларди. Қани энди, тарбиядаги, хусусан бола тарбиясидаги ижтимоий иллатларни бадиий таҳлил қилиб берувчи, яъни кимлигимизни ойнада акс эттиргандек кўрсатиб берувчи юзлаб, минглаб асарлар яратилса!

Буюк донишманд адиб Лев Толстойнинг бир гапи жуда хarakterли. У бола туғилганда табиатнинг ўзидай пок ва мутасум, руҳида ҳақиқат, адолат, эзгулик туйғуси жамуллам бўлади, деб уқтиради. Бинобарин шундай экан, адабиётимизнинг бош вазифаси бола руҳида зоҳир бўлган ана шу ҳақиқат, адолат ва эзгуликни ҳаётнинг раҳмсиз иллатларидан омон сақлаш ва ривожлантиришга интиқлашишдан иборат.

Авалло шуни айтиш керакки, бизнинг жумҳуриятимиз болалари ва ўсмирлари иттифоқдаги тенгқурларига нисба-

тан бадий ҳамда оммавий асарларни кам ўқийди. Бунга болаларга аталган яхши асарларимизнинг етишмаслиги, китоб таъминотидаги танқислик сабаб бўлмоқда.

Ҳақиқат қиёсланганда яхшироқ кўринади. Масалан, Болтиқбўйи жумҳуриятларида ҳар бир болага ҳисоблаганда 7-9 тадан, Белоруссия ва Украинада 5-6 тадан китоб чоп этилаётган бир пайтда, бизда ҳар бир бола ҳисобига бор-йўғи биттадан китоб нашр этилаяпти, холос. Иттифоқ миқёсида ҳар бир бола ёки ўсмирга 3 сўмлик китоб сотилаётганда, кўпгина ноҳияларимизда бола бошига 15-20 тийинлик китоб сотилаяпти. Демак, жумҳуриятимиз болалари бошқа жумҳуриятларда яшаётган тенгқурларига нисбатан бадий асарларни 6-8 барабар кам мутолаа қилмоқда.

Буюк педагог В. А. Сухомлинский: "Инсон қадр-қимматини оёқ ости қилиш, ўзини жуда баланд тутиш, бошқаларни назарга илмаслик катта нуқсондир", — деган эди. Назаримизда бундай нуқсонлар бизнинг давримизда меъёридан ҳам кўпроқдир. Инсонийликдан маҳрум оилалар осонгина бузилиб кетмоқда, болалар сарсон бўлиб қолмоқда. Кимдир "севиб олган", ўн-йигирма йиллаб бир ёстиққа бош қўйган, ширин-шакар фарзандларининг она-сини чавақлайди, сувга ғарқ қилади. Кимдир ўз тубанлигини яшириш мақсадида бировларнинг жонига қасд қилади. Кимдир бировнинг азиз қизалоғини ўғирлаб, ахлоқсизлик ботқоғига ботади. Хуллас, бундай жиноятларнинг хили ҳам, тури ҳам кўп. "Киши кишига дўст ва биродар" деб ўргатамиз. Амалда эса, одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат сусайиб бормоқда.

"Палағда" оилада "палағда" шахслар ўсиб етишади, деган гап бугун ҳақиқатга кўпроқ яқин келмоқда. Бунга атроф-муҳит, "бегона" кўзлар ҳам сабаб бўлмоқда. Тошкент вилоятига қарашли Оҳангарон шаҳридан сал наридаги Октябрь қишлоғида наркологиқ диспансер жойлашган. Шифохона Тошкент вилоятининг кўпгина ноҳияларига хизмат кўрсатади. Диспансерда касаллар кўп. Бош врач тавсияси билан Хадича Раҳмонова деган аёл билан суҳбатда бўлдик.

— Ичкиликка берилишимга мижозлар сабабчи бўлишган, — дейди у ер чизиб, — ўзим ҳаваскор раққоса эдим, тўй-қашамларда юрардим, аслида бу йўлга онам бошладилар. У киши ҳам илгари шу иш билан машғул бўлган. Унда ёш эдим. Балоғатга етганимдан кейин онам мени тўйларга олиб борадиган, ҳар кимларга қўшиб юборадиган бўлдилар...

Анатолий деган йигит Ўрта Чирчиқ ноҳиясидаги ремонт-қурилиш бошқармасида ишчи бўлиб ишлайди. Унинг аҳволи ҳам Хадичаникидан қолишмайди. Уни бу ерга милиция олиб келган. Муттасил ичкилик туфайли оила аъзолари пароканда бўлиб кетган экан. Айтишга қараганда унинг топиш-тутиши яхшимиш, фақат кўп ичармиш, шу сабабли аёли ташлаб кетганмиш... Гап-сўзлари ва хулқ-атворидан у ақли тўзиётган одамга ўхшаб кўринди бизга.

Мана, Бўка ноҳиясидан бўлган Хайри Саломованинг эътирофини қаранг: "Май ичишга жуда ёшлигимдан ўрганганман. Онам дўкончи эди. Отам билан ёшлигимдаёқ ажралишиб кетган экан. Уйимизга ҳар хил амакилар келар, кечалари ичкиликбозлик бўлар, базми жамшид қизир, мен ҳам улар даврасида бўлиб, ўрта мактабни тамомламаёқ йўлдан адашган эдим..."

Ҳаётимизга доғ бўлиб тушаётган бундай одамлар билан суҳбатлашар экансан, уларни шундай кўйга солган муҳит, жароҳат излари ва бунинг сабаблари ҳақида ўйламай юзимиз йўқ. Ўйлайсан-у, ҳамма нарса аввало инсоннинг ўзига боғлиқ эканини сира-сира унутмасликка даъват этасан. Уларга, ахир ўз бахтингизни ўзингиз йўқотдингиз, дегинг келади.

Баъзи оилаларга, оталарга, оналарга ҳайронман. Нега улар ўз жигаргўшаларини чоғга итардилар, нега жондан азиз фарзандларининг бахтига зомин бўладилар? Боши берк кўчага тушиб қолганларнинг гап-сўзларини ҳаяжонсиз, ғам-ғамсиз эшитиб, уларнинг тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Бизнинг бу ердан олган таассуротимиз шундай хулосага олиб келди: инсонни пул, мол-дунёгина эмас, шу билан бирга нотўғри тарбия, ҳақсизлик ҳам бузади.

Биз, катталар, кўпинча бунинг сезиб-сезмасликка, билиб-билмасликка оламиз, ўзимиздаги нуқсонлар учун бошқаларни айблаймиз. Муаллимлардан болани билимли қилиб беринг деб талаб қиламиз-ку, ammo уни ҳақиқий одам қилиб беринг демаймиз. Ўзимиз ҳам бунга эътибор бермаймиз. Болалар билан ҳаёт ҳақида, унинг ўнқир-чўнқирлардан иборат, паст-баланд қирралари ҳақида суҳбатлашни, фикр юритишни майдалик деб биламиз, бунинг ўзимизга эп билмаймиз. Ахир бизга биринчи навбатда физик, химик эмас, бош ҳарф билан ёзиладиган ИНСОН керак-ку!

Кейинги вақтда "оммалашган" ўзига-ўзи ўт қўйишларнинг 80 фоизининг сабаби севги, оила можароларига

бориб тақалади. Хўш, нима учун мактабларда муҳаббат дарслари ўтилмайди? Нима учун қандай кишилар севиш ва севилишга муносиб эканини, муҳаббат билан бир кўришда ёқтиришнинг, рашк билан худбинликнинг, севги билан саёқликнинг, калтабинликнинг фарқини уларга эртарақ тушунтирмаймиз? Нима учун фарзандлик бурчи, оналик ва келинлик масъулияти, қайнона ва қайнота бўлишнинг мушкуллиги ва вазифалари, оила деб аталмиш муқаддас уюшманинг иқлими ҳақида боланинг ақл суяғи қотмасдан бурун сабоқ бермаймиз?

Орқасида муштипар ва кекса ота-онаси, ҳали вояга етмаган фарзандлари қолиб, уни яратган, бағрида бир мартагина яшаш насиб этадиган буюк табиатнинг юзига қора чизиқ тортиб, биргина эркак учун, бир ношуд муҳаббат учун ёки кундан-кунга қартайиб бораётган қайнона-қайнотага аччиқ қилиб ўзига ўт қўйганларга фақат ачиниш керак. Бу маънавий қашшоқлик аломати, иродасизлик, идроксизлик, онгсизлик намойишидир. Бу ерда энг катта камчилик бизнинг тарбия услубимиздадир.

Ошкоралик ва демократия одамлар қалбида яшириниб ётган кўплаб орзу-истакларни рўёбга чиқарди. Шундай умидбахш ниятлардан бири кишиларнинг динга бўлган қарашларидир. Аммо диннинг қайси томони зарарли-ю, қайси томони фойдали эканлиги ҳамон ўзининг аниқ ечимини топгани йўқ. Чунки биз узоқ йиллар давомида динни фақат ёмонлаб келдик. У: "Халқ учун афюндир", деган бир ёқлама ақидага ёпишиб олдик. Оқибатда халқимизнинг қанчадан-қанча миллий урф-одатларини эрдан чиқариб юбордик. Ўтмишимизга дахлдор кўпгина тарихий ва маданий ёдгорликларимизни оёқ ости қилдик.

Масалан, ҳаётдан кўз юмган марҳумни сўнгги йўлга кузатиш, унинг оила аъзоларидан кўнгил сўрашнинг нимаси ёмон? Ёки кишиларнинг бир-бирлари билан қўл ушлашиб кўришиши, хонадон эгаларининг таомдан сўнг дастурхон устида фотиҳа ўқишларининг кимга оғирлиги тушади? Бу ва шунга ўхшаш қадимий яхши одатларимиз аслини олганда одоб-ахлоқимизнинг бир кўриниши эмасми? Бизнингча, халқимизнинг миллий қиёфаси, ўзига хос хулқ-атвори мана шундай инсоний фазилатларда ўз ифодасини топган.

Халқимизнинг қандай ажойиб, бебаҳо удумлари, одатлари, тарбия усуллари бўлган! Мисол учун ота уйда ўтирса, фарзанд ботиниб шу уйнинг томига чиқолмаган. Бу уйда отам ўтирибди, мен у кишининг бошига чиқмай-

ман, деган маънони англаган. Ёки чойхона олдида от миниб ўтаётган йигит одан тушиб, ўтирганларга салом бериб, анча нарига боргач яна отига миниб йўлида давом этган. Ўзбеклар орасида эр билан хотиннинг ажралиши ўлим билан баробар эди. Шарм-ҳаё, ор-номус кучлилик қиларди. Илгари арақ ичибди деган аёлни ҳозирги ёши қайтган кексалар ҳам эшитмаганлар. Ўзбек аёлининг "куфр суви" дан ичиши жуда катта гуноҳ ҳисобланган. Оилада фақат эр рўзғор бошлиғи бўлган. Аёл ҳам, фарқандлар ҳам унинг гапини иккита қилмаганлар. Уйга бирор меҳмон келса, эркак бор-йўқлигидан қатъи назар, аёл уни яхши кутиб олар, дастурхон ёзарди. Меҳмонни уйга киритмай дарвозадан қайтариб юбориш айб саналарди.

Авваллари ота-онаси кексайгач уларни боқиш, ҳолидан хабар олиш, қариялар кўнглини ўкситмаслик фарзанд учун, айниқса ўғил учун ҳам қарз, ҳам фарз эди. Ота фарзандини ноҳўя иши учун сўкиши, ҳатто уриши ҳам мумкин эди. Лекин бола ҳеч қачон ота юзига тик қарамасди. Ота-она юзига тик қараш фарзанд учун йўл қўйиб бўлмайдиган ҳол эди. Ўша вақтларда шаҳар кўчаларидаги дўконларда қулф бўлмаган. Сотувчи тушликка чиққанда пардани тушириб қўйган, холос. Одамлар очликдан ўлса ўлган-ку, лекин бировнинг нарсасига ола қарамаган. Сабаби виждондан, имон-исломдан, кудодан қўрққан, буни гуноҳ бўлади деб билган.

Бугунги кунда шуларни ўйлаб, ҳозирги тарбияни, "коммунистча ахлоқ-одоб"ни илгариги тарбия усулларимизга таққослаб, биз бир тўда "шаккок"ларни тарбиялаб етиштирмадикми, деган фикрларга борасан киши. Бундайлар на ўзининг, на ўзганинг қадрига етади. Энди на виждонни, на худони билишади. Мана сизга "маданият". Мана сизга дин ҳақидаги таълимотни нотўғри тарғиб-ташвиқ қилишнинг оқибати.

Борган сари камёблашиб бораётган одатларимиздан бири — кексаларга ҳурматдир. Айрим ҳолларда кексаларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйишни ҳам диний эътиқод ёки динга сиғинишга олиб бориб тақашди. Халқ ўртасида қари билганни пари билмайди, деган нақл бор. Кексаларни ҳурматлаш — улар босиб ўтган мураккаб, машаққатли, шарафли йўлни, улар орттирган билим ва тажрибани ўрганиш, билиш демакдир. Бундай ҳурмат ва эътибор оддий одоб эмас, айни вақтда чинакам маънавий маданият ҳамдир. Агар кекса кишилар иззат-ҳурмат қилинмаса, уларнинг билим ва тажрибаларини ўрганишга

бефарқ муносабатда бўлинса, уларни менсимай камситилса — бу жамият тараққиётининг таянчлари бўлмиш ёш авлод тарбиясига катта зиён етказди, бор имкониятлардан фойдаланишни шубҳа остига олади, инсон ва жамият тараққиётидаги мувозанат бузилади.

Кексайганда кўпроқ кийим-бош ва ош-ноннинг эмас, балки бир оғиз ширин сўзнинг, яхши гапнинг "гадоси" бўлиб қолиш қариялар руҳига хосдир. Уларга муносиб эътибор, ҳурматнинг ўзи кифоя. Биз уларни кексайганларида ҳам яккалаб қўймаслигимиз керак. Бундай қилиш кўп йиллар мобайнида жамиятга меҳнати сингган ҳалол инсонга оғир жазодек ёмон таъсир қилади. Бир оғиз ширин сўзга, эътиборга бўлган талаб инсон руҳининг азалдан қолган табиий эҳтиёжларидан биридир. Қадимгилар кексаларни эъзозлашни, иззат-ҳурмат қилишни инсоний виждон ва маданиятнинг юксак кўриниши деб билганлар. Шуни ҳам айтиш керакки, кексаларни ҳурмат қилиш, уларнинг гапларига, насиҳатларига амал қилиш уларга "қул" бўлиб қоламиз, уларнинг чизган чизигидан бир қадам четга чиқмаймиз, деган маънони билдирмайди. Навқирон авлод йўли оталари, боболари, жамики аждодлари солган йўлни кенгайтириш, уни янада серфайз ва обод қилиш, бир сўз билан айтганда, ўз уфқини кенгроқ олишдан иборат бўлмоғи лозим. Афсуски, бугунги кунда бундай олижаноб фазилатларимизга эътиборни сусайтириб юбордик. Айрим ёшлар кексаларни ҳурмат қилиш у ёқда турсин, ҳатто ўз ота-оналарини хўрлашга ҳам бориб етмоқдалар.

Биз қаровсиз қолган кексаларга мўлжаллаб қурилган дам олиш уйлари, қариялар уйлари ҳақида кўп баландпарвоз гапларни айтдик, ёздик. Аммо ота ёки онани кексайган чоғида фарзандлар, неваралар меҳридан айириб ўша хилват ғамхоналарга олиб бориб қўйиш ахлоқсизлик ва маънавий тубанлик белгиси эканлигини "сир" сақладик. Шуни очиқ айтиш керакки, кекса авлодга нисбатан ҳурмат-иззат йўқолган оилада, гарчи у тўқ ва бадавлат бўлса-да, қутбарака бўлмайди. Қарияларсиз уй — фариштасиздир. Шунингдек, кексаларга ғамхўрликни унутган жамиятнинг ҳам келажаги хавф остида бўлади. Кексаларнинг фойдали маслаҳатларига қулоқ солмаслик, уларни ҳақоратлаш, бадном қилишга уриниш, уларга қўл кўтариш — маънавий жиҳатдан тубанлик, ахлоқан пасткашлиқдир.

Ўша талатўп, ур-йиқитлар вақтида Фарғона вилояти қўмитасига ёшларнинг дарғазаб оломони ҳужум қилган лавҳа ҳамон кўз ўнгимиздан нари кетмайди. Ўнлаб

оқсоқоллар бебош тўданинг йўлини тўсишиб, "Ақл-хушларингни йиғинлар, жаҳдан тушинлар!"— дейишди. Бироқ оломон бу чақириққа қулоқ солмади, бинога қараб талпинди... Бу нима, ахир, бу кексаларни иззат-ҳурмат қилишдек шарқона одатларимиз унутиб қўйилганлигининг аломати эмасми?!

Бизнингча, бу узоқ йиллар давомида диний "сарқит"ларга қарши кураш олиб борганлигимизнинг "самараси" бўлса керак. Ҳа, биз ёшлар қалбидаги олий Ҳимматлиликнинг ўзагини ташкил этувчи туб ахлоқимиз заминига путур етказдик, тўғриси унга қарата тўплардан ўқ уздик, имонни, эътиқодни, инсоф ва диёнатни топтадик.

Ҳа, сир эмас, биз узоқ йиллар мобайнида социализмда ярамас иллатлар бўлмади деб яшаб келдик. Чунки марксизм шундай деб таълим берганди. Ф. Энгельс "Коммунизм принциплари" асарида, жумладан, "фоҳишалик хусусий мулкка асосланган ва у билан йўқ бўлиб кетади", деб ёзган эди. Ҳаёт эса бу башоратни тасдиқламади.

Бундан, чамаси бир-икки йил аввал бир қария ўз набирасига, ўғлим вақт-бевақт кўчада юрма, ҳар қалай замон нотинч, деса набираси кулиб: бобо, мен комсомолман, қўрқмайман, ахир социализмда ҳаммаёқ осойишта бўлади, деган экан.

Виз анча вақтдан кейин ана шу баландпарвоз гаплар билан бобосининг оғзига "урган" комсомол йигитнинг тавбасини эшитиб, ҳайрон қолдик. У ўзи сингари тенгқурлари билан оғир жиноятга шерик бўлган эди. Талабалар ётоқхонасига йигитлар икки қизни меҳмонга чақиришади. Базм қизигач, мезбонларнинг асл мақсадлари очилади. Қизларни хумордан чиққунларича калтаклашиб, номусларига тажовуз қилишади.

Рақамларга эътибор беринг. Кейинги бир йилда Ўзбекистонда 557 хотин-қиз номусига тажовуз қилинган. Ҳали балоғат ёшига етмаган 4224 ўсмир жиноятга қўл урган. Жумҳуриятимиз пойтахтида рўй бераётган босқинчиликларнинг — 99, талон-торож ва ўғрилиқнинг—47, хотин-қизлар номусига тегишнинг 56,2 фоизи қуюшқондан чиққан ана шу ёшлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ен-веримизда нималар бўляпти ўзи? Замон чиндан ҳам игна учиди турибдими? Йўқ! Академик Эркин Юсупович Юсупов таъкидлаганидек, биздан фақат бир нарса талаб этилади: қайта қуриш вазифаларини бажариш учун фақат келажакимизгагина эмас, балки ўтмишга ҳам очиқ

кўз, ҳалол виждон билан қарамоқ даркор. Ҳақиқатни ўз ўрнига қўймоқ ва англамоқ учун бизга маълум бўлган фикр ва ғояларни кўкларга кўтариб мақташдан сал тийилиб ва уялиб, унга тескари ёки бир оз бошқачадай туюлган фикрлар ва қарашларни ҳам обдон ўйлаб кўрмоқ зарур. Бу, ўз навбатида, йўлдан адашмасликнинг муҳим шартидир.

Юқоридагилардан тескари маъно келиб чиқмаслиги керак, албатта. Қайта қуриш ва ошкоралик сабаб бўлиб, кўпгина қадриятларимиз, урф-одатларимиз, удумларимиз худди "Наврўз"имиз сингари ўзимизга қайтариб берилди. Шу жумладан динга муносабат ҳам ўзгарди. Кексаларимиз яна ўз "тахт"ларига чиқа бошлади. Йўқотилган ахлоқ-одоб, маънавий қадр-қимматларимиз ўз ўзанига тушиб бормоқда — ўзлигимизни тобора кўпроқ англаб, кўпроқ мулоҳаза юритадиган бўлиб қолдик. Бир воқеани эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз.

Алибой ака Фурқат номли ўрта мактабнинг бошланғич синфида 40 йилдан ортиқ ўқитувчилик қилди. Лекин пенсияга чиқаришларини сўраб ёзган аризасига Киров ноҳияси халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Шарифжон Абдумаликов зўрға имзо чекди.

— Рост гап,— деди у қария билан суҳбатда.— Сизни сафимиздан чиқаришга сира ҳам кўзимиз қиймаяпти. Ёш педагоглар кўп. Лекин, сиздек бўлиш учун... Хизматингизни унутмаймиз. Ҳамиша соғ-омон бўлинг. Мактабнинг эшиги сиз учун ҳамиша очиқ. Бизни соғинтириб қўймасиз, деган умиддамиз.

Ўзи икки оғиз ширин сўз-у, аммо ундан қариянинг кўнгли тоғдай кўтарилди, ўзини бардам сезди. Гўё пастроқ бир мартабадан яна ҳам юқори поғонага кўтарилгандай бўлди. Лекин у мартаба эмас, қадр-қиммат чўққисига кўтарилган эди. Буйруқ мактаб педагогика коллективи ўртасида яна бир "тўсиқ"қа дуч келди: "Жавоб бермаймиз, пенсияга чиқишингизга йўл бўлсин, сиздек устознинг орамизда юриши биз учун бахт", дейишди улар. Ҳаммадан ҳам ота-оналарнинг: "Ҳеч бўлмаса яна икки йил — фарзандларимиз 4-синфга кўчгунига қадар ишлаб беринг", деб илтимос қилганликларини айтмайсизми!...

Алибой ака саломатлиги яхши эмаслиги сабабли ноилож мактаб билан хайрлашди. Буни қаранг, кўрсатилган иззат-икром, эъзоз, қадр-қиммат устоз педагогни хасталиқдан бутунлай халос қилиб юборди. Яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз бош қозиғи деб шунга айтсалар керак-да. Шу боис бўлса керак, у ҳозир ишламаса-да, мактабдан

оёғини узмайди, шогирдларидан йўл-йўриғ ва мас-лаҳатларини дариг тутмайди.

Бу мисолни бекорга келтирмадик. Кейинги йилларда ол-юртга хизмати сингган кишиларни иззат-икром билан пенсияга узатиш, истак-хоҳишларини инобатга олиб, уларни қурбиларига яраша иш билан таъминлаш билан бирга, баъзан кўп йиллик самарали меҳнатларининг "бошига сув қуйиш" ҳоллари ҳам содир бўлмоқда. Бунга бефарқ қараб бўлмайди.

Инсон кексайгач куч-қувватдан қолиши, иш қобилияти сусайиши, аввалгидек меҳнат қила олмаслиги табиий. Бироқ самарали меҳнатдан сўнг чарчаганда уни эътибордан четда қолдириш, бир неча йиллик хизматларини унутиш инсофдан эмас.

Энг ёмони — бир вақтлар эъзозлаб бошига кўтариб юрган одамларимизни оёқ ости қилишимизда ёки у дорилфанодан дорилбақога ҳижрат қилгач, унинг шон-шухратини ўзи билан кафанлаб қора тупроққа кўмиб юборишимизда. Улуғ Ватан урушида қон-зардоб ютиб она юртимизни ҳимоя қилган жангчиларимиз йилдан-йилга камайиб бормоқда. Айтингчи, уруш ва меҳнат ветеранларининг қадрига етаяпсизми? Бу саволга жавоб бераётганда қизариб кетасан, киши. Очиқ гап ветеранларимиз хизматларини пеш қилиб, биздан ош-нон, ортиқча ҳурмат-иззат талаб қилаётганлари йўқ. Чунки улар табиатан таъмагирлик, мақтанчоқлик каби ярамас хислатлардан бутунлай бегона. Улар буни уччига чиққан ахлоқсизлик, намонага номуносиб қилиқ деб билишади, қоралашади.

Инсоннинг қадр-қимматига, аввало, унинг тириклигида етмоқ керак. Улуғ шоир Мақсуд Шайхзода калом қилганидек, ҳар бир кишининг тириклигида иззат-ҳурматини жойига қўйиш лозим, ўлгандан кейинги пушаймондан фойда йўқ. Афсуски, ҳаётлигида тилимиздан тушмайдиган, кунда, кунора маслаҳатига муҳтож бўлиб турган кишиларимизни вафотидан сўнг "ўлдинг-ўчдинг" қабилида, бутунлай эсимиздан чиқариб юборяпмиз, лозим топилганларининг хотирасини абадийлаштириш ҳақида қайғурмаяпмиз. Мана сизга бир мисол.

Абдураззоқ ота Икромовни Фарғона вилоятида та-нимайдиган киши кам. Унинг доврўғи давон ошган эди. Отанинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти хусусида қанчадан-қанча очерклар, мақолалар ёзилган. Унга атаб шеър ҳам битилган. Дарҳақиқат, унинг ҳаёт йўли қисса, романлардаги бош ижобий қаҳрамонларни эслатади. У болалигида-ноқ падари қаторига кириб деҳқончилик билан

шуғулланди. Оқ пошшо давридаги қашшоқлик ва қаҳатчиликларни, оғир қийинчиликларни бошидан ўтказди, машаққатли ҳаёт кечирди. Барча мазлумлар қатори Октябрь инқилобини хушнуд қаршилади. Ҳокимиятни мустақкамлашда фаолликни қўлдан бермади. Қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда ташкилотчилик қилди. Биринчилар қатори "Ойдин" жамоа хўжалигига аъзо бўлиб кирди. Босмачилардан таъна-дашном эшитди, калтакланди. Ушбу хўжаликда анча йил бригадир, ҳосилот кенгашининг раиси бўлиб ишлади. Батрақларга йўл-йўриқ кўрсатди.

Бугина эмас. Абдураззоқ ота Улуғ Ватан уруши йилларида аҳолини, армияни озиқ-овқат билан таъминлаб, фронт орқасини мустақкамлашда ҳам жонкуяр бўлди. Унинг айниқса, урушдан кейинги беш йилликлар даврида халқ хўжалигини тиклаш соҳасидаги хизматлари беқиёсдир. Ота Қорашоқ массивини ўзлаштириб, у ерда мўл пахта ҳосили етиштиришда ибрат кўрсатди. Кўп йиллик ҳалол, самарали меҳнати муносиб тақдирланди. У ҳукуматимизнинг бир неча орден ва медалларини, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини олишга сазовор бўлди.

Ота уста пахтакор сифатида ҳамisha деҳқонларга фойдали маслаҳатлар бериб турарди. Айниқса об-ҳаво қийин келган йиллари Киров ноҳияси деҳқонлари ҳар қадамда унинг йўл-йўриғига кўз тикиб туришарди. У бундай пайтда далама-дала кезиб, ёш пахтакорларга кўрсатмалар, маслаҳатлар берарди. Ҳар кун, ҳар соатда одамларнинг кор-ҳолига яраб турган ана шундай мўътабар инсоннинг вафотидан кейин унутиб юборилишига ажабланасан киши. Унинг шон-шуҳрати, у ҳақдаги хотиралар ҳам сувга чўккан тошдай йўқолди-кетди. Нима, бу ўзи йўқнинг-кўзи йўқ қабилидаги найрангми ёки инсон хотирасига ҳурматсизликми?

Шу ўринда характерли бир қиёс. Журналист дўстимиз яқинда қўшни Тожикистоннинг Конибодом вилоятидаги "Москва" жамоа хўжалигида ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб берди. Инсон қадр-қимматининг баландлигини мен ўша жойда кўрдим, деди у. Мўъжазгина дарвоза пештоқига зарҳал ҳарфлар билан: "Бу ҳовлида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энажон Бойматова яшайди", деб битилган лавҳа ўрнатилибди. Энажон опанинг кимлигини айтиб ўтиришнинг ҳожати йўқ. У бир неча йил ўша "Москва" жамоа хўжалигига раислик қилган. Ҳозир қарилик гаштини суряпти. Қаранг, икки қаҳрамонга икки

хил муносабат. Шу ҳам адолат бўлдими? Қадр-қимматнинг баҳоси неча пул туради?

Инсоф юзасидан айтганда, Абдураззоқ ота тириклигида кучидан, ақл-заковатидан фойдаланиб қолайлик деб, ҳол-жонига қўймасдан судра-судра қилганлар, у оламдан ўтгандан кейин хотирасини абадийлаштириш учун бирор иш қилишдики? Йўқ! На у яшаган уйда, на қабрида ҳанузгача кичкинагина бўлса ҳам ёдгөрлик ўрнатилмаган. Унинг ҳамқишлоқлари эса таажжубда: "Нима, Абдураззоқ ота хотирлашга арзимасмиди?"

Арзиганда қандоқ! Унинг ташкилотчилиги билан бунёд этилган хўжаликлар заминида дунёга келган "Искра" жамоа хўжалиги Абдураззоқ Икромов номи билан аталса, рапқонликларнинг кўнглидаги иш бўларди, ёшу қари бу хайрли ишга таъзим билан жавоб қайтарарди. Бунга, аввало, жамоа хўжалиги раҳбарлари, партия комитети бепарқ қарамаслиги, ноҳия раҳбарлари ҳам отанинг номини абадийлаштиришга бош қўшмоқлари керак.

Инсон ким бўлишидан қатъи назар у аввало инсондир. У инсонийлиги, жамиятда тутган ўрнига қараб маълум бир баҳога эга бўлади. Ана шундай кишиларнинг қадр-қимматига етмоғимиз, уларни эъзозламоғимиз, ҳаётдан кўз юмган чоғларида ҳам унутмаслигимиз лозим. Биз шундай қиляпмизми? Бу саволга ҳар доим ҳам ижобий жавоб ололмаймиз.

Халқимизда "Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман", деган нақл бор. Кўнгли ўксик, кўзёши тўкувчилар ёшини яшаб, ошини ошаганлар орасида кўпроқ учрайди. Сабаби аён. Эркагу аёл кексайгач, яхши гапнинг гадоси бўлиб қолади. Уларнинг таъби нозиклашиб, битта гап камлик, иккита гап кўплик қилади. Шу сабабли отахонлар ва онахонларимиздан буғдой нонимизни эмас, буғдой сўзимизни аямаслигимиз керак.

Ҳамма нарса оиладан бошланади. Шундай экан, аввало, ота-она, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғлар бир-бирини қадрласа, қўни-қўшни, маҳалла-кўй дегандай... Ҳамқишлоғу ҳамшаҳарларимиз, ўзимиз ишлайдиган коллектив аъзоларининг қадрига етсак, инсоний бурчимизни адо этган бўламиз, шундагина ўзимиз ҳам қадр топамиз. Инсон қадр топган жойда ҳамма иш жойида бўлганлиги тарихдан бизга маълум. Ота-боболаримиз даврида одамлар бир-бирларини жуда яхши қадрлашган. Бир-бирларининг яхши кунига ҳам, ёмон кунига ҳам баббаравар шерик бўлишган. Сен бировнинг жонига аро кирсанг, у ҳам сенинг жонингга аро киради-да. Халқ

ибораси билан айтганда, ҳеч қачон арпа экиб, буғдой ўришни хаёл қилмаслик зарур.

Мамлакатимиз оғир дамларни бошидан кечирмоқда. Узоқ йиллар давомида жойлардаги реал ижтимоий-иқтисодий вазиятни ҳисобга олмасдан марказлашган планли хўжалик юритиш оқибатида иқтисодий ва мафкуравий танглик ҳолатига тушиб қолдик. В. И. Ленин вафотидан сўнг, айниқса 1929 йилдан бошлаб, мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, одоб-ахлоқ қоидаларига зид ишлар қилинди. Булар ичида энг даҳшатлиси инсон қадрини хўрлаш, уни эркин фикрлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш, доимо даҳшатда тутиш, ҳадиксираш, ўз жонини асраб қолиш мақсадида яқинлари ҳақида маълумот бериш, уларни ноҳақ сотишга уриниш эди. Бу иллат 1937—1938 йилларда бир неча юз минглаб виждонли совет кишилари ёстиғини қуритди. Халққа қоғозда ижодкор, амалда эса авом деб қараш туфайли, уни марказдан тўралар гуруҳи белгилаган режали хўжалик рақамларини бажаришдан бошқа нарсани ўйламайдиган қилиб қўйилди. Жойларда мураккаб вазият ва ҳақиқий имкониятлар ўрганилмади, баъзан ўрганилганда ҳам улар ҳисобга олинмади. Сталин ва унга "содиқ" аппарат ўйлаб чиқарган бошқариш системаси, унинг ворислари — Хрушчев ва Брежневлар даврида ҳам туб ўзгаришлар бўлмади. Афсуски, айниқса Брежнев даври социализм табиатига зид янгидан-янги иллатларни туғдирди. Одамлар тор доирадаги ўз шахсий манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган бўлиб қолдилар. Авваллари одамлар меҳнатга, ўз касбига, ўз иш жойига ҳалол, ўта масъулият билан қарарди, жамият ва жамоат қонун-қоидаларига амал қиларди. Меҳнатга муносабат ўзгарди. Оилага келаётган даромад манбалари на ота-онани, на фарзандни қизиқтирмай қўйди, аксинча унинг миқдори, доимийлиги олқишга сазовор бўла бошлади. Бир тоифа одамлар оила даромадининг ортиб боришида ҳалол ва ҳаромнинг фарқига бормайдиган бўлиб қолдилар. Оқибатда давлат ва жамоат қонун ва қоидалари уларни қўриқлашга даъват этилганлар томонидан ҳам суиистеъ-мол қилина бошланди. Давлатни, халқни алдаш бошланди, оқибатда партия, совет қонунчилиги обрўйига путур етди. Қадр-қиммат, меҳр-оқибат, инсоний ҳамкорлик ва ҳамдардлик ҳам ўзига яраша бўлди. Айниқса, ўзбекларга хос қўни-қўшничилик, ҳамдардлик, бирдамлик, ўзаро ёрдам, одамохунлик, меҳмондўстлик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-

оқибат каби энг зарур фазилатларимизни ҳам бой бера бошладик.

Бунга ҳаётдан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Кекса муаллим Файзулла Сўфиевнинг бемор холасини кўргани Бойсундан Ангор ноҳиясига пиёда бориб келишини эшитган эдик. Ўртадаги масофа юз километрдан ортиқ. Бунинг устига у яшаган қишлоқ тоғлар орасида жойлашган. Урушдан кейинги, ҳатто 50—60-йилларда ҳам тоғ йўлларида машина тугул арава ҳам юролмасди. Хўш, шунча узоқ жойга бориш учун уни яёв йўл босишга нима мажбур қилган эди? Меҳр-оқибат!...Ҳозир Бекмурод Бекпўлатов ҳақида ўйлаб, беихтиёр ана шу воқеа ёдимизга тушди. Бу одам билан тасодифан танишиб қолганмиз. Бир бемор танишимиздан ҳол-аҳвол сўраш ниятида вилоят шифохонасига боргандик. Палатада гап қариндош-уруғлар, ёр-дўстларнинг меҳру оқибатига келиб тақалди.

— Ёстиққа бошингиз тегмасин экан. Тегдими, тамом. Бегонани-ку қўя туринг, ўз жигарбандларингиз, туновгина бирга ишлаб юрган ҳамкасбларингиз ҳам унутиб қўйишаркан,— деди бир киши ориқ қўлларини силаб.

Бекмурод аканинг умр дафтарини ўқиган одам ўйга толади. У етим ўсди. Ўн ёшга тўлганда Мирза подачи уни ўзига ёрдамчи қилиб олди. Шундан бери мана, салкам қирқ йил ўтибди. Бу орада Мирза подачи қазо қилди. Подани шогирд қабул қилиб олди. Турмуш қурди. Пешонасига оила битди. Бола-чақалик бўлди. Туриш-турмуши бинойидек эди. Бироқ тақдир уни яна синовдан ўтказди. Унинг чап оёғи оқсай, ўнг қўли эса кўтарса зириллаб оғрий бошлади. Аста-секин зўрайиб борган дард уни тўшакка михлаб қўйди. У кўп даволанди. Сал-пал ўнгланди ҳам. Лекин у энди Сангардак тоғларида, қир-адирларида пода изидан илгаригидай чаққон юролмасди. Энди сигирларни яйратиб ўтлатолмас, қишнинг қировли кунларида уларга емиш ҳам тарқата олмас эди. Чунки ўша мажруҳ қўл-оёқ, у ҳар қанча югуриб-елмасин, барибир, аслига қайтмади. Унга иккинчи тоифа ногиронлик гувоҳномасини беришди. Давлат ажратган озгина нафақа эвазига бир амаллаб тирикчилик ўтказиб юрганди. Дард яна хуруж қилди. Уни шифохонага етқизишди. Ўшандан буён бир йил ўтибди. У янги йилда ҳам уйига боролмади. Уни ҳамқишлоқларидан бирон киши байрам билан табрикламади, исм-шарифинг ким деб ҳам сўрамади. Ўғли ҳарбий хизматга кетди. Кузата олмади. Икки нафар кенжа фарзандининг ҳоли нима кечдийкин? Уларнинг совуқ кунда кийишга иссиқ кийимлари

бормикан? Болалар кўнгли ҳар хил нарсалар тусамайдими? Рўзгор-ғор дейдилар, ахир. Ҳали у, ҳали бу нарса керак. Хотини бечора ҳаммасига улгураяптимики?

Бекмурод ака ана шундай жумбоқлар, адоғи йўқ ўй-хаёллар билан кунни тунга улайди, оқшомлари мижда қоқмай чиқади. Бу унинг дардини баттар оғирлаштиради. Бемор учун машаққатли бўлган ана шундай дамларда унинг қалбига таскин берадиган бир илиқ гап, мадад керак. Унинг хотини икки-уч ойда бир келиб ҳол-аҳвол сўраб кетади. Аёли жуда қийналиб қолган. Бемор-бемор эмас, беморни боққан — бемор деб шунга айтсалар керак-да. Азобларини эрига айтмай деб шунча ҳаракат қилса ҳам бўлмайди. Кўзлари гилтиллаб ёшга тўлаверади. "Келма хотин. Кўп овора бўлма, бу ерда ҳамма нарса бор", дейди Бекмурод подачи. Термизга келиш осонми?! Улар яшайдиган қишлоқ бу ердан 200 километр, ахир.

Гап, албатта, масофанинг узоқ-яқинлигида ҳам эмас. Гап кўнгилда, меҳр-оқибатда. Наҳотки, ана шундай инсоний хислатларга ҳам "ўт тушган" бўлса?! Гап шундаки, унинг битта ёки иккитамас, ўн бир нафар жияни бор. Подачилик даврида уларга хўб яхшилиқлар қилди. Бир нечаси ўқиб, дурустгина мутахассис ҳам бўлиб етишишди. Афсуски, уларнинг бирортаси ҳали шифохона остонасига қадам босгани йўқ. Хўп, Бекмурод ака айтганидек оғайнилари ўртасида меҳр-оқибат кўтарилибди ҳам дейлик. Бошқалар-чи?

Ахир Бекмурод ака Сариосиё ноҳиясидаги "Ленинизм" жамоа хўжалигида беш-ўн йилгина эмас, 40 йил подачилик қилди-ку! 130-150 бош соғин сигирнинг тақдирини унинг қўлига ишониб топшириб қўйдилар-ку! Подачи айрим чорвадорлар каби виждонини нафсига алмаштирмади, ҳалол меҳнат қилди, ўзганинг молини ўзиникидай авайлаб боқди. Ҳозирги дардини ҳам аслида ана шу колхоз чорвасини деб топган. Эндигина туғилган бузоқни елкасида кўтариб, пода ичидан келаётганда қияликда оёғи тойиб йиқилди. Ўшанда у ўзини эмас, бузоқни ўйлади. Сангардак тоғидан қулаб тушди. Оёқ суяги лат еди. Ўтиб кетар деб даволанмади. Оқсаб-нетиб бўлсаям сигирларни боқиб юраверди. Шифокорларнинг хулосасига кўра, бу суяк силининг пайдо бўлишига олиб келган.

Бу воқеани қишлоқда кўпчилик билади. Биладилар-ку, озгина эътиборга муҳтож бу одамдан меҳрларини дариг тутадилар, унинг тақдирига бефарқ қарайдилар. Хўжалик раҳбарлари ўз ташвишлари билан вақтимиз йўқ, дейишлари мумкин. Аслида шундай дейишга андиша

қилишлари ҳам керак. Аммо ферма мудир, зоотехник, касаба уюшмаси раиси ҳеч бўлмаганда, йўллари тушганда унинг олдига бирров кириб чиқсалар Бекмуроднинг кўнгли тоғдай кўтариларди-ку! Меҳри борнинг — сеҳри бор, дейдилар. Шу сеҳр унинг дардига малҳам бўлиб, наф бермасмиди?!

Шифокор Ғуломжон Турдиевнинг бир гапи ҳамон эсимизда: "Кейинги вақтда бемор ҳузурига бориб ҳолаҳвол сўраш камайиб бормоқда. Бизда, масалан, беморлар йиллаб даволанадилар. Йигирма йиллик тажрибамдан биламан, беморнинг изидан бир одам келса, бизнинг бир кунлик даволашимизга тенг бўлади. Ўша куни бемор ўзини енгил ҳис қилади, барча муолажаларнинг таъсири ошади. Лекин айрим беморларни баъзан 5-6 ойда ҳам сўрашмайди. Бу беморга жуда оғир ботади. У ўзини ёлғиз сезади. Минг хил ўйга боради. Ахир қариндош-уруғ шундай кунда билинмаса, қачон билинади? Дўст-ёр-чи? Бир жойда бақамти ишлашган ҳамкасблар-чи?

Дарҳақиқат меҳр-оқибат, қадр-қиммат бошга иш тушганда синалади. Марказий касалхоналардан бирида даволанаётган икки киши билан суҳбатлашиб қолдик. Уларнинг бири — ҳисобчи, бири — оддий ишчи экан. "Бизнинг катталар мени кўриш учун тез-тез келиб туришади", дейди ҳисобчи. Ишчи эса бу сўзларни эшитиб ерга қарайди. Бу ердаги фарқни кўряписизми? Агар оддий ишчи ҳам ҳисобчи ёки бошқа бир юқорироқ лавозимда ишлаганда борми, уни ҳам кўргани келадиганларнинг кети узилмасди.

Бошқа бир танишимиз, ноҳия шифохонасининг шифокори Жўра Эшимовнинг сўзини эшитиб ёқа ушладик: "Шу соҳада кўп йилдан бери ишлаб келаман. Аммо бирон раҳбарнинг ўз қўл остида ишлайдиган оддий ишчи — беморнинг соғлиғини сўраб келганини эслай олмайман. Улар келганда ҳам беморни тезроқ чиқариб юборишимизни сўраб келишган. Ўтган йил баҳорда бир бригадир нима дейди денг? "Чигит экиш муддати чўзилиб кетяпти. Бўлди, деб юборинг" эмиш. Ўша "бўлди" деб юборишимиз лозим бўлган бемор — унинг тракторчиси. У қаттиқ шамоллаб шифохонага тушганди. Кечалари ҳарорати 38-39 даражага чиқарди. Кўп раҳбарлар шифохонага келмайдилар-у, аммо телефон қиладилар. Уларнинг талаблари ҳам ўша: "Тезроқ чиқариб юборинг, бизнинг ишчини!" Кўриб-билиб туриб, қандай бу ишни қилишимиз мумкин? Бизга бундай дейиш ўрнига (зеро буни ҳукм деса ҳам бўлади), беморга икки оғиз ширин гап айтиб

"Иш ҳам қочмас, яхшилаб даволаниб олинг", дейишса қандай соз бўларди!"

Баъзилар эса бемор ҳузурига келишни тўрхалталарни тўлғазиб, егулик олиб келиш деб тушунадилар. Бу нотўғри. Меҳрнинг ўзи ҳар қандай совғадан аъло. Беморнинг ҳол-аҳволидан хабар олишнинг ўзи унга бир даста гул тақдим этиш билан барабардир. Нега биз бемор ҳузурига нуқул олма, анор, дасталаб нон, товоқлаб палов, сомса кўтариб келишга одатланиб қолганмиз. Аввало шифохонанинг ўзида бемор учун етарли овқат берилади-ку. Бемор озиқ-овқат билан тузаладиган бўлса, ўшаларни тамадди қилиб уйда ётавермасмиди. Йўқ! Беморга биринчи навбатда эътибор, меҳр, яхши даво зарур.

Ақл-фаросат шу даражадаки, айримлар бемор кўриш маданиятини ҳам билишмайди. Улар, бемор кўргани келишганда, гўё унга раҳм-шафқат қилгандай "намунча ориқлаб кетибсиз, ранг-рўйингиз ҳам заъфарон" ёки баъзан дангалига кўчиб: "дори-дармон сизни ебди", дейишади. Бундай "куюнчаклик" беморни бешбаттар қилса-қиладики, асло наф келтирмайди. Шуни айтмоқчимизки, аввало ҳеч ким дардга чалинмасин. Дард нафақат беморни, балки унинг қариндошлари, сафдошлари, дўст-биродарларини ҳам синовдан ўтказди. Бундай синовнинг баҳоси ниҳоятда олий: у меҳр-оқибат деб юритилади. Меҳр-оқибат эса инсоний ахлоқ-одобнинг энг зарур шартларидан биридир.

Муруват, меҳр-оқибат, қадр-қиммат, инсоф ва диёнатнинг ўрнини тошбағирлик, ичи қоралик, нафрат ва адоват эгаллаб бораётганлиги, энг ачинарлиси тарбиясиз "тарбиячи"ларнинг кўпайиб кетаётганлиги кишиларни кўпроқ, ташвишлантирмоқда. Қўни-қўшнилари, қариндош-уруғлар ўртасидаги меҳр ришталари тобора нозиклашиб, баъзан эса узилишгача бориб етмоқда. Журналист Абдунаби Ҳайдаров "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" ҳафталик газетасида (№ 26, 1989 йил) шундай бир воқеани ҳикоя қилади.

Хонадон бошлиғи (Маҳкам Қорабоев) редакциямизга келиб ўз юрак дардини тўкиб солди.

— Сўнгги умидим сизлардан, кекса бошим, оқ сочим ҳурмати, ёрдам беринглар, жон болам,— деди отахон илтижо билан.— Мен умрим бўйи далада ишладим, ётиб, меҳнатимнинг роҳатини, бола-чақамнинг орзу-ҳавасини кўраман деган чоғимда бошимга мусибат тушди. Кичик ўғлим Тоҳиржондан айрилиб қолдим... Ўғлим ҳали жуда ёш эди, эндигина 23 ёшга тўлганди. Ўйланганига ўн ой, фарзанд кўрганига бир ой бўлганди. Афсус унга ўз зурриётини қўлга олиб эркалатиш насиб этмади... Ҳам-

масига фамилиядош қўшним, участка милиция инспектори Тўлқин Қорабоевнинг бебош ўғли — қоидабузар милиция ходими Ихтиёр сабабчи бўлди. У Тоҳиржонимни машинада босиб кетди. Неварамни етим, келинимни тул қолдирди. Бу фожеани биз дастлаб фалокатга йўйгандик. Ихтиёр ҳам қилмишидан пушаймондир деб ўйлагандик. Қасда дейсиз? У аввал-охир бор айбни марҳумга ағдаришга уринди. Бу ҳам етмаганидан, мени, оила аъзоларимни, укамни бир неча бор ҳақоратлади. Ота-онаси, ака-укалари ҳам унга қўшилиб бизга зуғум ўтказишди. Кечирим сўраш у ёқда турсин, улар ҳатто Тоҳирнинг дафн маросимида ҳам қатнашмадилар. Энг даҳшатлиси, ўғлимнинг "йигирма"си куни тўй қилиб, Ихтиёрни уйлантиришди. Бу инсонни топташ, марҳумнинг руҳини хўрлаш эмасми?!

Бу воқеа Тошкент вилоятининг Хумсон қишлоғида бўлиб ўтган. Бу ишда айбдор бўлганлар тегишли жазоларини олдилар. Лекин гап бунда эмас. Қизиқ, кимдир ўзгалар ҳақиға хиёнат қилса, жамиятга моддий зарар келтирса, айтайлик, колхоз экинини пайҳон қилиб молиға едирса, ўша заҳотиёқ жазоланади. Аммо тирик инсонга маънавий зарар етказган, унинг соғлиғини, асабини, умрини ўғирлаган одам, таассуфки, жавобгарликка тортилмайди. Ахир, дунёда ҳеч бир қонун мажмуасига сиймайдиган, асрлар оша синовдан ўтиб, ҳаёт мезонига айланиб қолган қонун ҳам бор-ку. У ҳам бўлса, одамгарчилик қонуни — эл-юртчилик, элдошлик таомилдир. Унинг замирида халқимизнинг инсонга муҳаббат, ўзаро меҳр-оқибат, инсоф-тавфиқ, марҳумлар хотирасига ҳурмат туйғулари мужассамлашган.

Бу ёзилмаган қоидаларга ота-боболаримиз азалдан амал қилиб келишган. Бирор қишлоқнинг бу чеккасида йиғи овози эшитилса, у чеккасида тўй-томоша қилаётган одам руҳан эзилади, азият чекади. Марҳум хоҳ ёшини яшаган, ошини ошаган, ўз ажали билан оламдан ўтган қария бўлсин, хоҳ ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган, фалокатга йўлиқиб, дунёдан бевақт кетган навқирон бўлсин, тўйини тўхтатади. Ҳеч бўлмаса, дафн маросими ўтишини кутади. Кейин ҳам халқ билан маслаҳатли иш тутатади. Азадорлар олдидан ўтиб, минг бир истиҳола билан тўйини ўтказиш учун улардан рухсат сўрайди. Акс ҳолда у эл-юрт назаридан қолади.

Маҳкам отанинг ўзига, унинг оиласи бошига тушган фалокатга одам ачинади. Улар бахтсиз ҳодиса туфайли фақатгина жигаргўшаларидан жудо бўлишмаган, кучли маънавий зарбага ҳам учрашган. Гуноҳкор томон (Тўлқин

ва ўгли Ихтиёр) уларни истаганча ҳақоратлашган, ҳатто милиционерлик "мансаби"дан фойдаланиб дўқ-пўписа, дағдаға қилиш йўлига ўтишган. Шу боис икки ўртада даҳанаки жанглар авж олган. Маҳкам отанинг аҳволини тушунишни иташмаган. Бу ҳолга маҳалла активлари, қишлоқ кенгаши мутасаддилари, юрт оқсоқоллари ҳам бепарво қарашган. Томонларни муросага чақириш ўрнига оч қорним-тинч қулоғим қабилида иш тутишган. Оқибатда кўп йиллардан бери ёнма-ён тинч-тотув яшаб келаётган икки оила бир-бирини кўришга кўзи, отишга ўқи йўқ ганимларга айланган. Борди-ю ўшанда юрт оқсоқоллари ўртага тушиб Тўлқинга ва унинг жиноятчи ўғлига тўғри йўл кўрсатишганда, улар кечирим сўраш йўлини тутганларида ва тўйни ақалли бир оз кейинга сурганларида орага бу қадар совуқчилик тушмасди.

Ота-боболаримиздан мерос қолган бир нақл бор: "Отангни ўлдирганга онангни бер!" Эҳтимол, хозиргача ҳеч ким отасини ўлдирган одамга онасини бермагандир, бермайди ҳам. Лекин халқ ҳикмати замирида битта эзгу ният ётади: донолар ўзаро меҳр-оқибатни, қон-қардошликни унутган кишиларни доимо муросага чақиришган. Керак бўлса ўртага Қуръонни қўйиб, лозим бўлса нон-тузни қўйиб, уларни яраштириб қўйишган. Бунда улар бошқаларнинг тинчлигини, фарзандларининг келажагини ўйлашган, шулар ҳаққи-ҳурмати гина-кудуратларни унутишга чорлашган. Шу тариқа авлодлар қирпичоқ бўлишининг, беҳуда қон тўкилишларнинг, кўзёши ва оқ-воҳларнинг олди олинган.

Маълумки, меҳнат, моддий ишлаб чиқариш ахлоқий камолатнинг негизини ташкил этади. Одам боласи ахлоқий фазилатларга ҳамда намунали хулқ-одобга эга бўлган ҳолда дунёга келмайди. Ахлоқий одат ва нормалар оила, коллективда, болалар муассасасида ва ўқиш жараёнида шакллана бошлайди. Яъни одам ўзининг ривожланиш жараёнида турмуш ва ҳаётни, кишиларга ва жамиятга бўлган муносабатини англай бошлайди.

А. С. Макаренко сўзлари билан айтганда, одамнинг яхши томонини кўра билиш ҳамиша қийин. Одамни қачондир ўз жасурлигини намойиш эта оладиган, майли босиқликми, тўғри сўзликми, унча-мунча йўқчиликка бардошлиликми, сабр-қаноатлиликми, довюракликми ишқилиб шундай ҳислатларни намойиш эта оладиган шароитга қўймай туриб, мард инсонни тарбиялаш мумкин эмас. У яна бундай деб ёзган эди: "Нима қилиш кераклиги ҳақида сиз қанчалик тўғри тасаввур яратганингизга қара-

май, агар узоқ қийинчиликларни енгиб ўтиш кўникмасини тарбияламаган экансиз, сиз тарбияда ҳеч нарса қилмабсиз, деб айтишга ҳақлиман".

Бахтга эришмоқ учун курашмоқ керак, дейди доно халқимиз. Чунки бахт ўз-ўзидан келмайди, уни ҳеч ким "ғойиб"дан келтирмайди. Бахт учун курашмоқ зарур, бахтга эришиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Буюк олимимиз, академик Қори Ниёзий айтганларидек, меҳнат туфайли инсон тафаккурининг кучи одам ичига ўтиб, унда бир бутун оламни очди, бу оламни ифода этиш қонунларини яратди. Инсон меҳнати туфайли улкан фазо кенгликлари ва сайёралараро алоқа йўллари очилди. Бу ютуқлар бизнинг жамиятимизда киши қобилияти ва истеъдодини намоён қилиши учун барча шарт-шароитлар ҳозирлигининг яққол далили бўла олади. Бундан фойдаланмоқнинг энг зарур шarti — ишлаш, меҳнат қилишдир.

Ҳар бир одам, Маркс ибораси билан айтганда, ижтимоий муносабатлар йиғиндиси ва ижтимоий мавжудот ҳисобланади. Чунки инсон жамиятда яшаб туриб, шу жамиятдан четда туриши мумкин эмас (В. И. Ленин). Инсон жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳаёт билан ҳамнафас бўлади, одамлар орасида яшайди, у ишлаб чиқариш муносабатлари таъсирида шаклланади ва камолга етади. Бу ривожланиш эса жамиятимиз ячейкаси ҳисобланмиш оилада, жамоада такомиллашади.

Коллектив меҳнати натижасида инсон ҳаёти коллективчилик (худбинлик, ялқовлик эмас), чинакам ўртоқларча ҳамкорлик ва дўстлик (қўполлик, қўрслик, ялқовлик эмас) муносабатлари билан чамбарчас бирикиб кетади. У ана шу меҳнат жараёнида ўз фаолиятини коллектив ва жамият фаолиятига, уларнинг мақсади ва иродасига мувофиқлаштиради.

Ҳар бир шахс фақат жамоадагина ўзининг қобилиятини ҳар томонлама ривожлантира олади. Демак, ҳар бир киши меҳнат қилиш жараёнида аҳил ва жипслашган, ўзаро ҳамкор ва ҳамдўст, ҳамфикр жамоа аъзосига айланади. Жамоа зўр таъсир кучига эга бўлиб, келажак кишисини ахлоқий камолатга етказди. Бироқ, афсуски айрим коллективларда ҳамиша ҳам бунга амал қилинавермайди. Бундай жамоаларда, кўпинча, коллективчиликнинг зўр тарбиявий кучи инкор этилмоқда, жамоа етакчилари оддий ахлоқ-одоб нормаларига ҳам риоя қилишмаётир.

Марказий газеталардан бирига шундай мазмундаги шикоят хати тушди:

...Ушбу мактубни Тошкент тўқимачилик комби-

натининг 3-ип йигирув фабрикасида ишлаётган бир гуруҳ ёш ўзбек ишчилари йўллашяпти,— дейилади хатда.— Бизнинг фабрикада ва бутун бошли комбинатда ишчиларнинг аксариятини жумҳурият вилоятларидан келган ёшлар ташкил этади. Лекин биз ўзимизнинг юртимиз пойтахтида эмас, балки мусофирчиликда юргандай гариб ҳис этамиз...

Ҳурматли редакция ходимлари! Қани ўша телевизор ва радиоларда жаранглайдиган тенглик? Нега биз ўз она юртимиз Ўзбекистонда яшаб, ўз она тилимизда гаплаша олмаймиз? "Ким тилингни ушлаб турибди, гаплашавер" дейишингиз мумкин. Лекин...

Ҳа, ҳамма гап ана шу лекинда. Ҳозир жумҳуриятимизда қайта қуриш авж олган пайт. Янги қонунлар, иш ҳақини янгича тўлаш усуллари жорий этилмоқда. Барча цехларда мажлислар ўтказилмоқда. Лекин мана шу қонунларни ҳамма тушуниб етаяптими? Йўқ, тушуниб етмаяпти! Четдан келган ўзбеклар 70—80 сўм олиб ишлашади. Ҳарбий хизматда бўлган йигитларимиз рус тилини оз-моз билганлари учун ўз ҳақларини талаб қилиб, бир оз тортишишлари мумкин. Лекин қишлоқдан келган тортинчоқ ва уятчан қизларимизга қийин. Улар дардларини ичларига ютиб юраверишади. Мабодо иш ҳақи варақасини олиб ҳисоб-китоб бўлимига бориб суриштиришса, бўлим ходимларидан уч-тўрттаси уларнинг атрофини ўраб олишади-да, русчалаб алланималарни ҳисоблаб ташлашади. Тўғри, сизларга факт керак. Келинг, кўринг, бундай фактлар тўлиб-тошиб ётибди. Мажлисларнинг бирида тароқлаш цехининг мастер ёрдамчиси Азамат Розиков "ўзбекчасигаям тушунтиринг, тушунмаяпмиз" деганида "бизда мажлислар русча ўтилади, ўзбекча ўтилсин, деган буйруқ йўқ", деб жавоб қилишди. Агар шундай бўлса, мажлислар фақат русча ўтилсин деган буйруқ бормикан? Сал-пал овозимиз дадилроқ чиқса, бирор нарса талаб қилсак "қолоқ", "миллатчи" деб ҳақоратлашади. Гапираверсак гап кўп. Нима қилишга ҳам ҳайронсан киши...

Ёш ишчиларнинг мактуби кейинги вақтда иттифоқимизнинг турли чеккаларида миллатлараро муносабатларда рўй бераётган чигал ва нохуш ҳолларни эслатади. Бундай ҳоллар қаердан ва нима учун келиб чиқаяпти? Матбуот саҳифаларида бу чигалликларнинг илдизи ўтмишга бориб тақалаётганлиги ҳақида тез-тез ёзилмоқда. Илгари бундай масалалар очиқ, рўйи-рост муҳокама этилмасди. Миллий, маданий-иқтисодий эҳтиёжлар тақиқлар ва баланд-

парвоз шиорлар остида кўмилиб ётарди. Қайта қуриш, ошкоралик шарофати билан бундай муаммоларга нисбатан тўғри, соғлом нуқтаи назар билдирилмоқда.

Юқорида тилга олинган Тошкент тўқимачилик комбинатининг партия комитетига райком ҳуқуқи берилган. Бу ерда бир ярим мингдан зиёд партия аъзоси бор. Партком котиби Умри Султонова ҳамда унинг мафкура бўйича ўринбосари Ҳакимжон Қодиров ишчиларнинг шикоят хатига "Йўғ-ей, бизда бундай бўлиши мумкин эмас", - дегандек елка қисиб қўя қолишган.

Комбинатда 12 мингдан зиёд ишчи меҳнат қилади. Очиғини айтганда, оғир участкаларда фақат қишлоқлардан келган ёшлар ишлайди. Табиийки, уларнинг кўпчилиги, айниқса Қарши, Китоб, Избоскан, Хива, Ургенч, Қўқондан келган ёшлар рус тилини яхши билишмайди. Оддийлик, соддалик, ҳокисорлик уларнинг қон-қонларига сингиб кетган, бетгачопарлик, қўрслик, қўполлик, дағаллик, инсофсизлик уларга мутлақо бегона. Ўз юрларарида улар ҳам ўқиб, ҳам даладаги ишларни гуллашиб юрган ёшлар эди. Энди шаҳарга келиб, "ишчи" деган номдан фахрланиб, ҳалол меҳнат қилиб юришса ёмонми?!

Комбинатнинг ип ўраш цехида 102 нафар ишчи ишлайди. Лекин цех раҳбарлари ўзбек тилини яхши билишмайди. Бу эса мулоқотда, баҳс ва мунозараларда қийинчилик туғдирмоқда. Таажжубланарли жойи шундаки, бу ерда цех мастерида тортиб, то цех раҳбарига ҳаммаси рус кишиларидир. Эльзора Коптуанская қарийб икки йилдан бери тароқлаш цехида смена бошлиғи бўлиб ишлайди. Унинг қўл остида ишлайдиганларнинг ярмидан зиёди ўзбеклар. Лекин бу ерда йиғилишларни рус тилида олиб бориш қатъий йўлга қўйилган. Ишчилар Эльзорани қатто инсоний ахлоқ-одоб доирасидан чиқиб, қўполлик ва тўрачилик қилаётганини куйиб-пишиб гапиришади. Масалан, янгийўллик Раъно Нажимова нима сабабдан маоши 28 сўмга тушиб қолганини суриштирганида, Эльзора бунинг сабабини тушунтириб бериш ўрнига уни жеркиб ранжитган, дилини сиёҳ қилган. Гулсум Холмуҳамедова уч ой бадалида бор-йўғи 40 сўмдан маош олган. У бунинг сабабини билмоқчи бўлганида смена бошлиғидан қаттиқ дашном эшитган...

Шунингдек, у ерга ишчиларнинг шикоят хатини текширгани борган журналист Исмаи Хушевга нисбатан ҳам мастер ёрдамчиси Надежда Колягина қўпол муносабатда бўлган. Адолатсизлик, менсимаслик, манманлик бўлса, шунчалик бўлар-да.

Тароқлаш цехининг ишчилари ўз бошлиқлари Маргарита Петровна ва Муҳаббат Нўъмоновадан жуда ҳам норози бўлиб гапиришади. Маргарита редакцияга мактуб ёзишда бош-қош бўлган ва ташаббус кўрсатган Муҳаммаджон Мўминовни: "Миллатчилигинг учун сени КГБ га топшириш керак", — деб ҳақорат қилган. Қизиқ, ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, ҳақиқатни ойдинлаштиришни сўраб редакцияга хат ёзган киши нега миллатчи бўлиши керак? Ахир, уларнинг ўзи миллатчилик ботқоғига ботиб кетмаяптими! Ёш ўзбек ишчилари мажлисда Муҳаббат Нўъмоновадан ўз она тилларида гапиришни илтимос қилишганида унинг терс жавоб берганини қандай баҳолаш керак?

Ёш ишчи Азамат Розиковнинг фикри шундай:

— Ўша йиғилишдаги гапдан буён қўлим сирә ишга бормайди. "Қарор чиқса кейин ўзбекча гапирамиз", деб бизнинг миллий қадр-қимматимизни оёқ ости қилишди...

Келинг, бу масалада аввало Лениннинг ўзига мурожаат қилайлик. Владимир Ильич "Миллатлар тўғрисидаги ёки "автономлаштириш" тўғрисидаги масалага доир" номли мақоласида бундай деган эди: "Иккинчи хил миллатчиликка нисбатан биз, катта миллат кишилари, деярли ҳамиша тажрибада шунга гуноҳкор бўлиб чиқамизки, бениҳоя кўп зўрлик ишлатамиз ва ҳатто бунинг устига — ўзимиз ҳам пайқаманган ҳолда бениҳоя кўп зўрлик ва ҳақоратлар қиламиз, — бизда бошқа халқларни менсимай қандай ерга уришларини билиш учун менинг Волга бўйи хотираларимни эсга олиш кифоя..." (В. И. Л е н и н. Тўла асарлар тўплами, 45-том, 402-бет). Доҳийнинг ушбу сўзлари нечоғли тўғри эканини билиш учун Волга бўйига "саёҳат" қилиш шарт эмас. Шундоққина ёнгинамизда жойлашган Тошкент тўқимачилар комбинатига борсангиз, манзара яққол намоён бўлади-қўяди. Редакцияга келган шикоят хатининг сўнгги сўзларига эътибор беринг: "Сал овозимиз дадилроқ чиқса, бирор нарса талаб қилсак, "қолоқ" ва "миллатчи" деб ҳақорат қилишади. Нима қилишга ҳам ҳайронсан киши".

Рус тилини русларга нисбатан кам билишимизни, қишлоқ ёшларининг бу тилда эмин-эркин сўзлаша олмаслигини ҳеч ким инкор этмайди. Гап шундаки, турғунлик йиллари, пахта якка ҳокимлиги халқни маълум маънода чаласавод қилиб қўйди. Ахлоққа зид шахсиятпарастлик, инсонга нисбатан бир ёқлама қарашлар авж олдирилди.

"Шуни тан олиш керакки, ўзбеклар, хусусан, қишлоқ аҳолиси бутунлай чаласавод, — деб таъкидлайди СССР педагогика фанлари Академиясининг мухбир аъзоси

Отақўзи Азизов.— Уларнинг саводхонлик даражаси олди-сотди ишлари билан чекланган. Қишлоқда, одатда, на газета, на журнал ва на китоб ўқишади. Мен бир неча қишлоқ кутубхоналарида бўлдим. Улардаги китобларнинг бор-йўғи 7-10 фоизи ўзбек тилида. Шунини ҳам ҳеч ким ўқимайди. Кутубхоначилар ўқувчилар ниҳоятда камлигидан нолийдилар. Бу қишлоқ кишиларининг ўз қоринларини ўйлашдан бошқа ташвишлари йўқлигидан далолат беради. Қишлоқ мактабини битириб чиқаётганлар 50 фоизгина билимга эга. Оқибатда улар ўқишни Москва ва Ленинград шаҳарларида давом эттириш имкониятига эга эмаслар" (Қаранг: "Ташкентская правда" газетаси, 1989 йил 12 январь).

Биз бу ўринда ҳурматли олимни камситмоқчи ёки унинг ҳаётдан бир оз орқада қолганлигини юзига солмоқчи эмасмиз. Аммо, очиғини айтганда, унинг ана шундай ибтидоий тасаввурлари билан келишиб бўлмайди. Ахир ҳадеб саводсиз, чаласавод деб қишлоқ аҳолисининг бурнига чертавериш қайси одоб-ахлоққа тўғри келади? Айб ўзимизда бўла туриб, тоқайгача қишлоқ ёшларига қарата маломат тошини отамиз! Улар, эҳтимол, мукамал билимга эга бўлолмаётгандир. Бунинг учун улар яшаб турган шароитни, аввало пахта якка ҳокимлигини, унинг машаққатли меҳнатини, ёшлар ҳам ота-оналари билан барабар ана шу оғир меҳнатда қатнашаётганини, баъзан уларга бу борада зуғум ўтказилганини, қолаверса мактабдаги ҳамда олий ўқув юртларидаги ўқиш-ўқитиш ишларининг савияси пастлигини нега ҳисобга олмаймиз? Нега ҳақиқий аҳвол билан ҳисоблашишни истамаймиз?

Биз энди қишлоқ меҳнаткашларининг тўла саводхонлигини ошириш, уларнинг маданий-маънавий эҳтиёжларини қондириш хусусида ўйлашимиз зарур. Ёшларнинг қалбида эзгуликка ҳавас уйғотишимиз, уларни ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ҳеч қандай тазйиқсиз, ва дилозорликсиз тарбия қилмоғимиз лозим. У олимми инженерми, мансабдорми ёки оддий ишчи, деҳқонми — ким бўлишидан қатъи назар, ўртада тенглик, тотувлик ва ўзаро ҳурмат бўлгани яхши. Энг муҳими, одамларни тушуниш, иззатини жойига қўйиш, инсонни қадрлаш лозим. Агар, таъбир жоиз бўлса, қайта қуриш ва ошкоралик ахлоқи биздан ана шунини талаб қилади.

Ҳурматли олимимиз айтганидек, "чаласаводлик" ва жойларда кутубхоналар хизматидан фойдаланмаслик, ахлоқ ва тарбиянинг издан чиққанлиги, айниқса ёшлар ўртасида текинхўрлик, ўғрилик ва турли жиноятларнинг

авж олишига сабаб бўлди. Қўқонда бир хат сақланмоқда. Унда акс этган фожиани сатрма-сатр сизнинг диққатингизга ҳавола қилмоқчимиз. Хатда шундай дейилади:

"Ушбуни ўн йилга озодликдан маҳрум этилган бир нотавон йигит ёзмоқда. Ҳозирги замонда ҳақиқатни рўёбга чиқариш учун кўп ишлар қилинаётганидан хабарим бор. Тўғри, мен гуноҳқорман. Ўша куни дўстим Юсуф билан ов қилгани далага чиқдик. Юсуфнинг синфдоши Шуҳратдан милтиқ сўраб олдик. Йўл-йўлакай ошнаemiz Муҳсинникига кириб, уни ҳам овга таклиф этдик. У эртага, янги йилга тараддуд кўраётганини айтиб биз билан бормади. Юсуф иккалаemiz дала айланиб, колхоз фермаси атрофида турли қушларни отиб кўнгилхушлик қилиб юрдик. Қайтиб келаётганда узоқдан бир қиз билан гаплашиб турган йигитни кўриб қолдик. Ўзимизча ҳазил билан уларни чўчитмоқчи бўлдик. Аввал Юсуф, кейин мен улар томонга қаратиб ўқ уздик. Ҳа, ҳақиқатан ҳам, ошнаemiz Барот мен отган ўқдан ҳалок бўлди. Умримда биринчи марта қўлимга милтиқ ушлашим эди. Бундай бўлишини билганимда бу йўлга кирмаган, овга бормаган бўлардим. Мен бир навқирон йигитнинг ўлимига сабабчи бўлдим. Ўша пайтда мен ўн олти, Юсуф ўн етти ёшда эдик. Нишонга ҳам олмай шунчаки чўчитиш учун отилган ўқнинг одамни қулатишини билмадик. Баротга ҳам ҳеч қандай ёмон ниятимиз йўқ эди. Афсусландик. Бу жиноятни ҳеч ким кўрмади, қўрққанимиздан милтиқни бир ерға яшириб қўйдик. Бу ҳақда на уйда, на кўчада ҳеч кимга ҳеч нарса демадик. Лекин нима бўлганда ҳам синфдош дўстимиздан айрилиб қолгандик. Юсуф билан титраб-қақшаб алам билан йиғладик.

Орадан бир йил ўтгач Самарқанд район милиция бўлимининг терговчиси чақириб, мени сўроқ қилди. Мен эса: "Ўша куни овга чиқмаганemiz", деб сохта тушунтириш хати ёзиб бердим. Кейин: "Баротни отган одам қўлга тушса, нима қилади",— деб бир кишидан сўрадим. У: "Отган одам ҳам отилади", деб жавоб берди. Бу гапдан юрагим орқага тортиб кетди.

1982 йили Армияга чақирилдим. Армияга кетсам, бу кўрқув ва ваҳима азобидан қутуларман, деб ўйлагандим. Йўқ, аксинча бўлди, улғайганим сари виждон азоби баттар эза бошлади. Ҳарбий хизматни аъло даражада бажардим. Бир неча мақтов ёрлиқлари билан тақдирландим. Лекин хизматни тугатмасимданоқ бу ёққа олиб келишди. Шунда мен Самарқанд район милиция терговчисига бўлган воқеани заррача ҳам ёлғон қўшмасдан гапириб бердим.

Онам ўттиз йил мактабда ишлаб, умрини болалар тарбиясига бахш этган аёл. Отам Самарқанд шаҳар милиция бўлимида ишлаб, 1984 йилда вафот этган. Оиламиз маҳаллада обрўли, ҳурматга сазовор оилалардан ҳисобланар эди. Менинг қилмишим уларнинг юзини ерга қаратди...

Ўзим тушунмаган ҳолда Баротнинг ўлимига сабабчи бўлдим. Домла, ҳар ҳолда адолатпарвар одамсиз, суд ҳакамларининг олдидан ўтинг, менга ёрдам беринг. Суд ҳукми менинг ўша пайтдаги ёшимга тўғри келадими? Ахир бу ишни мен қасдан қилмаганман-ку!... Салом билан Носир".

Бу воқеа 1980 йилда содир бўлган. Мактубни ўқиб, тўғриси, алам ва ўкинчдан беҳад изтиробга тушдик. Агар англаган бўлсангиз, Носир қилмишига ачиниш ва ўкиниш, пушаймон қилиш билан бирга, ўзига нисбатан чиқарилган ҳукмнинг ёшига мосми ёки йўқлигини сўраяпти.

Аввало қонунга муурожаат қилайлик. 1975 йил 27 июнда бўлган СССР Олий суди пленумининг "Қасдан одам ўлдириш ҳақидаги ишлар юзасидан суд практикаси тўғрисида"ги қарорида кўрсатилишича, жамиятга очиқдан-очиқ ҳурматсизлик, социалистик турмуш ва ахлоқ қоидаларини менсимаслик, ҳеч қандай сабабсиз ёки арзиманган сабабдан фойдаланиб содир этилган қотиллик айбни оғирлаштирадиган ҳолатдаги одам ўлдириш деб ҳисобланади. Бу ўринда Носирнинг "Мен асло овга чиқишим оқибати фожеа билан тугайди деб ўйламагандим", деган сўзлари асоссиз сўзлардир.

Носир ёзган хатидан ҳам маълумки, у тафаккур қила оладиган, мулоҳазали, ақл-ҳуши ўзига етарли йигит. Шундай бўлгач, қилаётган ишининг оқибатини ўйламасликка унинг ҳаққи йўқ, албатта. Чунки сабабсиз оқибат бўлмайди-да. У узоқда гаплашиб турган қиз билан йигитга қарата ўқ узаётганда бундай қалтис ишнинг охири нима билан тугашини, ўқ билан, милтиқ билан ўйнашиб бўлмаслигини, ўзининг бу ҳаракатлари жамият учун хавфли эканини, оғир ва кечириб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ўйлаши шарт эди. Шу сабабли бу жиноят қасдан қилинган жиноят деб ҳисобланади!

Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 8-моддасида бундай дейилган: "Агарда жиноятни содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлигининг жамоат учун хавфли характерини англаган, унинг жамоат учун хавфли оқибатларига кўзи етган ва уни истаган ёки шу оқибатларнинг

бўлишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай жиноят қасддан қилинган жиноят деб топилади".

Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 80-модда 2-бандида бундай жиноят учун 8 йилдан 15 йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси бериш кўзда тутилган.

Носир мана шу жиноятни содир этганида ҳали вояга етмаган ёшда (16 ёш) бўлганлиги учун унга Ўзбекистон ССР Жиноят кодекси 23-моддасига асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тайинланган. Начора, юрагимиз ачишгани билан унга ёрдам беришнинг иложи бўлмади. Унинг хатти-ҳаракатини бир нарса билан оқлаб бўлмайди.

Масаланинг маънавий-ахлоқий тарафи бизни кўпроқ қизиқтиради, албатта. Барот ўша тасодиф туфайли ўлиб кетмаганида келажакда жамиятимизнинг яхши бир фуқароси, бирор соҳанинг фойдали мутахассиси, яхши инсон бўлиб етишарди. Бу мудҳиш хабар Барот ўсган хонадонга жудодик, ғам-алам, бир олам қайғу-ҳасрат, бир умр тугамайдиган фарзанд доғини бошлаб келди. Буни худо ҳам, одамлар ҳам, қонун ҳам асло кечирмайди. Бу айни безорилик, ахлоқсизлик, нотўғри тарбиянинг оқибатидир.

Бу воқеа сабоқлари кишини кўп нарсаларга даъват этади. Аввало шуни айтиш керакки, ота-оналар оилада болага доим ҳушёр кўз билан қарашлари, у нима иш қилипти, қандай машғулот билан банд, қизиқишлари, ички интилишлари кўпроқ нималарга мойиллигини билишлари лозим..

Ана шу кўнгилсиз воқеа муносабати билан суд чиқарган ҳукмнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, адолатли ҳукм Носирнинг ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ҳаёт ҳақида, унинг чигалликлари ҳақида, инсоннинг инсон олдидаги бурчи ва масъулияти тўғрисида ўйлаб кўришга, янада ҳушёр бўлишга даъват этади.

Шу нарса маълумки, ота-оналар ўртасида тез-тез жанжал бўлиб турадиган оилалар болалар хулқ-атворининг бузилишидан азоб чекадилар. Бу ўз-ўзидан тушунарли, чунки бола тарбиясида оила муҳим роль ўйнайди. Оила турмуш тарзини, ўсиб келаётган ёш авлод хулқ-атворининг асосий норма ва қоидаларини шакллантиради.

Мустаҳкам оила — социалистик жамиятнинг энг муҳим негизларидан бири, бола шахс сифатида камол топадиган ижтимоий муҳитдир. Ҳозирги шароитда буни айниқса, равшан ҳис этиш лозим.

Шу ўринда ёзувчи Олим Отахоновнинг қуйидаги

ибратли сўзларини келтириш ўринлидир: "Болани яхши боқиш, кийинтириш, ўйнатиш, айтганини олиб бериш — бу ҳали ота-онанинг зиммасидаги фарз эмас. Бу оддийгина бурч, холос. Қайси парранда ўз боласига тумшуғида дон, сув ташимайди? Қайси типратикон ўз боласини юмшоғим демайди?! Болаларни, энг аввало, одам бўлиши учун тарбия қилиш лозимлигини ҳамма тушунади. Бироқ бунинг учун, энг аввало, унинг айни одамлигини ҳурмат қилиш, уни аяш, унга ёмон сўз айтмаслик, унинг дилига нораво хаёлларни етказмаслик ҳақида ташвиш чекмайдилар.

Мен ошиён деганда бола бир кун кўрмаса, вақтида боролмай қолса, хаёлини бир зумгина тарк этса юраги шишиб, ўша заҳоти қанот қоқиб учиб борадиган, она бағрини, эътиқод, гўзаллик, эзгулик, ҳар бурчагидан, ҳар тоқчасидан зиё таратиб турган оилани назарда тутаман" ("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1989 йил 12 май).

Бу гапларнинг нечоғлик тўғри ва ўринли эканлигини таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Бинобарин, ҳозирги шароитда янги кишини, ижтимоий жиҳатдан актив фуқарони тарбиялашнинг жуда катта аҳамиятини таъкидлаш лозим. Бунда оиланинг, ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатларнинг, ота-оналарнинг фарзандларга нисбатан ғамхўрлигининг аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.

Жисмоний ҳамда руҳий-маънавий жиҳатдан соғлом боланинг шаклланишида она асосий роль ўйнайди. Айни ўша катта ҳарф билан ёзиладиган онанинг меҳр-муҳаббати ва ғамхўрлигининг йўқлиги ёки етарли эмаслиги болаларнинг оилада руҳий ва жисмоний ривожланишига салбий таъсир этади. Шунинг учун ҳам онанинг шахси, унинг билим даражаси, маданияти, одоб-ахлоқи, ҳатто санитария жиҳатидан саводлилиги, саломатлиги бола тарбиясида катта аҳамиятга эга.

Аёл кишининг боланинг шахс сифатида камол топишидаги етакчилик роли ана шу муҳим ижтимоий вазифани бажаришда отанинг ролини асло инкор этмайди. Қадимги ҳикматда бола тарбиясида "ота-она — қўш ҳўкиз" дсб бежиз айтилмаган. Оила учун ҳам, жамият учун ҳам фойдали, соғлом, яхши ривожланган болани тарбиялашда отанинг ўрнини сира камситмаслик керак, албатта.

Оилани шакллантириш оддий иш эмаслиги маълум. Бу ниҳоятда мураккаб, оғир ва масъулиятли, нозик жараёндир. Эркаклар билан аёлларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг оила учун баб-баравар масъулияти

социалистик оила асосини ташкил қилади. Оиладаги но-хушликлар, биринчи навбатда, болалар тарбиясига, шунингдек аёллар билан эркакларнинг маънавий аҳволи — руҳиятига, уларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигига салбий таъсир кўрсатади.

Айни вақтда ҳозирги замон оилалари унинг аъзоларининг ижтимоий ишлаб чиқаришда актив қатнашиши билан ҳам характерланади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота ва она ўз шахсий хоҳиши билан бир қаторда давлат манфаатларини ҳам унутмаслиги лозим. Қайси оилада фарзанд тарбиясига эътибор кам ёки тарбия сусти олиб борилаётган, у ота-она ва жамоатчилик, мактаб педагоглари эътиборидан узоқ бўлса, бундай оилада фарзандлар тарбияси кўпинча бузилиб кетади. Ёмон оилада енгил-елпи ҳаётга кўнгил қўйган, тўғри ҳаёт кечиритишни хоҳламайдиган болалар ўсиб етишади.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Мана бу жоҳил, нодон, ўғри ва каззоб, муттаҳам ва текинхўр кишилар қаерда, қай бир хонадонда, қандай оилада улғайган деб ўйлайсиз?... Бу ўғрилар сиз тасаввур қилганингиздай сочсоқоли ўсган, ювуқсиз, бадбашара, томларда, вокзалларда, ертўла ва бостирмаларда тўпланиб юрадиган исқирт одамлардан эмас. Аксинча, башанг кийинган, кўринишидан одамшаванда, соч-соқоли қиртишланган, ўта силлиқ, сўнгги модада кийинган, келишган ўспиринлар ёки қошкўзлари бўялган қизлардир.

Халқимизда "кўр-кўрни қоронғида топади", деган ажойиб нақл бор. Тошкентдай шаҳарда қарийб ўттиз марта жиноят қилган бир гуруҳ ёшлар бирпасда оғиз-бурун ўпишиб кетишди. Ун гулидан бир гули очилмасдан "байналмилал" гуруҳга уюшган А. Акбаров, Т. Соколовский, С. Нодиров, Р. Мирзараимов, Б. Қудратовларнинг фуқароларнинг қимматбаҳо буюмларини ўғрилаш билан сурункали шуғулланиб келганликлари улар қўлга олингандан кейингина маълум бўлди. Келбатларидан ҳатто от ҳам ҳуркадиган бу уюшма иштирокчилари 27 хонадондан 30 минг сўмликдан зиёд ҳар хил буюмларни ўмариб сотиб, пулини айш-ишратга, маишатга сарфлаб юборишган... Улар ўз ниятларини ўта устомонлик билан амалга оширадилар. Яъни улар ҳеч қийналмасдан уй-жой бошқармаси, суғурта идораси, ижроқўм вакили ёки слесарь, сантехник, электр, радио, телевизор тузатувчи уста, газ идораси, сервис ходими ролини ўйнашлари, антиқа "томоша" кўрсатишлари мумкин. Агар улар ҳужжат

сўрамаслигингизни сезса, бирпасда милиция ёки суд қиёфасига ҳам кириши, "ҳунар" кўрсатиши ҳеч гап эмас.

Уларга мебель, холодильник, телевизор ёки идиш-товоқларнинг кераги йўқ. Бу тоифадагиларга заргарлик буюмлари, пул, заём, ноёб эсдалик моллари, магнитофонлар, тилла соат, охори тўкилмаган кийим-кечаклар, косметика, чўғдай гиламлар керак. Яна, агар қаршилиқ кўрсатишса... одамларнинг жони керак.

1987 йилнинг 29 сентябри, кундуз соат ўнлар... Ўғрилар Чилонзор массивининг 14-даҳасида пайдо бўлишади. Мақсад 24-уйнинг 26-квартирасини ағдар-тўнтар қилиш. Вазифалар аввалдан бўлинган. Кимдир асосий йўлда, кимдир подъездда кўз-қулоқ, бири йўлакда қоровул, бири хона эшиги қўнғироғининг тугмасини босади. Ичкаридан садо эшитилмайди. Шу заҳоти эшик осонгина бузилади... Кейин қўйни-қўнжилар, тўрхалталар тўлади. Ҳеч қандай огоҳлантириш сигнали эшитилмайди. Бундан улар янада дадиллашади. Ўғрилар ҳеч нарса кўрмагандай яна йўлларида давом этишади. Зум ўтмай беҳавотир жойга ўтишади-ю, яна тўпланишади. Ўғирланган мол-мулк ўртага қўйилиб, хомчўт қилинади. Кейин бу буюмлар одамлар кўп тўпланадиган жойларда: бозор, магазин, универмаг, ресторан, вокзал, автостанция ва аэропортларда арзон-гаровга сотиб пуллангандан сўнг, бу пуллар ўзаро тақсимланади.

Буюмларни сотиб оладиган одамлар ҳам анойи эмас. Беш-ўн сўм арзонлигига учишади. Лекин улар ўз қўшнисини ёки қариндошининг молини ҳозир арзон баҳога сотиб олиб, эртага ўзлари ҳам шундай аҳволга тушишларини билишмайди.

Агар лақма харидор ўғирланган ўша мол-мулк эгасини ўрнига ўзини қўйиб кўриб, дарров милицияга хабар берса, ўғрилар пайига болта урилган бўлармиди? Демак, ўғриликнинг кўпайишига, уларнинг омадли бўлишига бизнинг ўзимиз ҳам йўл очиб бераётганлигимиздан тонмаслигимиз керак. Айниқса, участка инспекторларининг (бундай пайтда улар ғафлат оғушида бўлади) ўз ишларига совуққонлик билан қарашлари, масъулиятни ҳис қилмасликлари ва жинойтлар устидан милиция назоратининг сустиги ҳам кўпгина нохуш ҳолларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Масалан, Тошкент шаҳар Октябрь ноҳиясида яшовчи У. Азимов илгари икки марта судланган бўлишига қарамай, участка инспектори унинг кейинги ҳаёт тарзи билан қизиқмаган. Азимов эса ҳеч қаерда ишламасада, ишлаганлардан ҳам яхшироқ яшайди. У ўзига ўхшаган ше-

риклар билан тил бириктириб, фуқароларнинг 108 минг сўмлик мол-мулкани гумдон қилиб юборади. "Қўлга тушмаган ўғрини" пойлаб ётган милиция ходими эса бир четда анқайиб қолаверди.

Акмал Икромов ноҳиясидаги "Октябрь" массивида участка инспектори милиция майори Ҳамид Қурбонов "Партия XXIII съезди" маҳалласида яшовчи, судланиб чиққан Шовкат исмли йигитнинг қайта бебошлик қилишига йўл қўйиб берган. Бундай ношуд инспекторлар безорилар билан тарбиявий мавзуларда яккама-якка суҳбатлар олиб боришмайди, ҳуқуқ-тартибот, қонунчиликка доир қонунларни халққа тушунтириб беришмайди, оилаларда бўлиб ота-оналар билан учрашишмайди. Шуниси ажабланишлики, бундай масъулиятсиз, ношуд милиция ходимлари учун қуруқ маъмуриятчилик гўё биринчи даражали иш-ку, тарбия, маънавият, ахлоқ-одоб бобидаги тушунтириш ишлари бегонадай...

Шунингдек, ўзимиздаги бошқа бир иллатни ҳам тан олмай иложимиз йўқ. Ўғрини, киссавурни ёки безорини кўрганда уни кўрмасликка оламин, улар бировнинг чўнтагига тушганда ёки бировни қақшатиб ураётганида олдидан юзимизни тескари ўгириб ўтиб кетамиз. Бундай пайтда қўрқоқлик қилиб, номардлик йўлини тутамиз. Шу билан бирга улар билан пачакилашиб ўтиришдан, милиция бўлимида сўроқ беришдан ўзимизни четга оламин. Бу билан безори ва ўғриларга кенг йўл очиб берамин, билиб-билмасдан уларнинг янада жипслашишларига, фаол ишлашларига ёрдамлашамиз.

Маҳаллий ўғрилардан ташқари саёқ ўғрилар ҳам борки, улар ўта эпчил, зукко, устаси фарангликда шайтонга ҳам дарс берадилар. Уларнинг муомаласини кўриб оғзингиз очилиб қолади, бор мол-мулкнингизни, уйингизни қўшқўллаб унинг ихтиёрига топшириб қўйганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Баъзилари шаҳарма шаҳар юриб турмушга чиқмаган хотин-қизларни совға-саломлар билан аврашади, бир пасда уларга уйланиб ҳам олишади.

1989 йили Тошкентдаги "Москва" меҳмонхонасида шунга ўхшаш воқеа содир бўлди. Барваста, башанг кийинган бир йигит меҳмонхона ходимаси — Ойдин исмли кўҳликкина аёлга ўзини кавказликман, шу ерда уйланиб, шу ерда ишлаш ниятим бор, отим Рустам деб таништиради. Йигит аёлни бир-икки бор хонасига таклиф этиб, сара коньяк ва шампань виноси билан сийлайди. Чет эл буюмларидан совға ҳам қилади.

Бундай хотамтойликлардан Ойдиннинг "етмиш икки

томири" бўшашиб кетади ва Рустам қўйган тузоққа осонгина илина қолади. У йигитни Чилонзордаги ўзи ёлғиз яшайдиган уйга таклиф этиб зиёфатни янада қуюқлаштиради. Унга уйланишига ҳам жон деб розилик билдириб, бирга яшай бошлайди. Кўза кунда эмас, кунда синади деганларидек, орадан кўп ўтмай Ойдин қилган ишидан пушаймон бўлиб, алам билан кўзларини ёшлаб қолаверади.

"Ўзи ишламаса ҳам доимо чўнтаги тўла пул, холодильник камёб озиқ-овқатлар, нархи "осмон" ичимликларга лиқ тўла бўларди,— дейди Ойдин куюниб.— Шу ерда пропискага кириб, ишга жойлашаман деган одам, кечқурун бегона чамадон, тугунлар билан қайтарди. Икки-уч кун ўтмай, улар яна ғойиб бўлаверарди, гўё укаси ё синглисига жўнатарди... Бир куни паспортига кўзим тушди. Қарасам исм-шарифи бутунлай бошқача. У мени сохта гаплар билан юпатган бўлди. Унда паспортлар кўп эди. Сўнгроқ кимлигини англай бошлаганимни сезган чоғи, ўша куни навбатчиликдан келиб, орани очиқ қилман десам... кўзларимга ишонмадим. Уйим шип-шийдон бўлиб ҳувиллаб қопти".

Ойдиннинг боши маломатга қолди. У бахт қучаман деб, тош чангаллаб қолган эди. Эндиги кўз ёшлардан нима фойда? Ишонган одами қўйнига илондай силлиқлик билан кириб, қалбини ўқдай ўпириб чиқиб кетди...

Кейинги пайтларда балоғат ёшига етмаганлар орасида жиноятчилик кўпайиб бормоқда. Бунга аввало оила, ота-она, қолаверса жамоатчилик, мактаб, ҳунар-техника билим юртлари коллективларининг лоқайдлиги сабаб бўлмоқда. Баъзи ота-оналарга бола тарбияси ва ахлоқидан арз қилсангиз, "давлат ишини", рўзғордан ортмаётганликларини рўкач қиладилар. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, ҳар қандай зўр тарбиячи ва ўқитувчи ҳам ота билан онанинг ўрнини боса олмайди. Катталар назоратидан четда қолган бола ўзини мустақил ҳисоблаб, албатта кўнгли тусаган ишни қилишга интилади. Аввалига видеобарларга боради, айрим қилиғи совуқ кимсаларга тақлид қилиб, ичиш-чекишга қизиқади. Кейин...

Ҳали балоғат ёшига етиб-етмаган Костя Феноберов 1988 йилда Олтой ўлкасидан Тошкентга келиб, мустақил яшай бошлади. У оддий ўйинлардан "зерикиб" қимор ўйинларига қўшилди. Қайсидир кварталда жойлашган бир уйнинг ертўласини ўзига доимий бошпана қилиб олди. Жиноятга мойил шериклар ҳам топди. Чекишга, ичишга ружу қўйди. На уй-жойлардан фойдаланиш идораси

ходимлари, на участка инспектори ва на шу ерда яшовчи биронта инсофли одам уларга эътибор бермади. Улар тинч, осойишта болаларни урадиган, тап тортмасдан чўнтакка тушадиган одат чиқаришди. Йўлларида тўғоноқ йўқлигини сезган қароқчилар кватираларни ҳам ўмара бошлашди. Шундан кейин ҳам уларни тергайдиган бирорта мард топилмади. Ҳаром-ҳариш йўллар билан топилган пуллар Фаноберов бошлиқ тўдани қутуртириб юборди. Шундан сўнггина (тўғриси, пичоқ суякка қадалганда) Акмал Икромов район милицияси безорилар билан қизиқа бошлади. "Муштдай" болалар икки ой ичидаёқ тўққизта оғир жиноят қилишгани маълум бўлди...

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Маълумотларга кўра, жумҳуриятимизда содир этилаётган жиноятларнинг 60 фоизи Тошкент шаҳрига тўғри келар экан. Ўйлаб қолсан киши. Бир бечора меҳнаткаш оила йиллаб емай-ичмай топган бор бисотидан кутилмаганда ажралиб қолса. Ҳамма бир ёқадан бош чиқариб курашагина ўғрилиқ, текинхўрлик, безорилиқ, бировларнинг ҳақиға хиёнат қилишдек халқимиз шаънига ярашмайдиган иснодга, беҳаёлик ва шармандаликка барҳам бериш мумкин.

Ҳа, намунали ахлоқ-одобни қарор топтириш, меҳнат ва ахлоқ тузатиш муассасаларида ҳибсда сақланаётганларнинг сонини камайтириш, ўғрилиқка, жиноятчиликка қарши курашиш учун маъмурий органларга жамоатчиликнинг, одамларнинг, ҳар бир оиланинг кўмаги сув билан ҳаводек зарурдир.

Биз жамиятни улкан оила деб тушунамиз. Табиийки, ўз уйига сиғмаган болалар дунёга ҳам сиғмайди. Яъни ўз уйига, оиласига рўшноликни раво кўрмаган одам, жамиятга ҳам рўшнолик кўрсатмайди, халқнинг, Ватаннинг қорҳолига ярамайди. Шунинг учун ҳам оила бошлиқлари болаларининг, жигарбандларининг қалби занглай бошлаганига бепарво қарамасликлари, улар билан доимо қизиқиб боришлари, фарзандлари табиатидаги кўникувчанлик ва мослашувчанликка, улар характеридаги кўрқоқлик ва итоаткорликка бефарқ қарамасликлари лозим. Шундагина ўғил-қизларимиз кўчанинг "мулки" бўлиб қолмайди.

Табиийки, одамлардаги барча ижобий фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Бунда аллақандай "вакуум"га умид қилмаслик лозим. Инсонда ижобий сифат ва хислатларни қарор топтириш учун курашиш, виждонан меҳнат қилиш зарур. Виждон — олий маънавий категория бўлиб, оила виждони ота-оналарнинг ўз фарзандига берган тарбияси, ўқитувчи виждони эса унинг ўз ўқувчисига

берган ҳам билими, ҳам тарбияси билан ўлчанади. Шунга кўра ҳар бир оила ва ҳар бир ўқитувчи ўз конкрет вазифасини билиши, ўзгариб бораётган янги даврдаги ўз ролини чуқур ҳис этиши лозим. Агар бундай ўзгаришлар бўлмаса, уларнинг режалари қуруқ гап бўлиб қолади. Зеро, қайта қуриш даврида ҳар ким ўзи бажараётган ишнинг моҳиятини тўла англамай туриб, ўзгариш қилиши мумкин эмас.

Бир беморни ўлим ёқасига олиб бориб қўйган шифокор ҳақида оламга жар солиб гапирамиз-у, лекин ўз фарзандини ношуд қилиб тарбиялаган ёки ўз ўқувчисига саёз билим берган ўқитувчи ва мактаб маъмуриятини "кечикиб" фош этишга тушамиз. Баъзи матбуот ходимлари ҳам бу ҳақда гишт қолипдан кўчгандан кейингина аюҳаннос соладилар.

Очигини айтганда, эскича тарбия усулларига муносабатда ҳам "ҳаммасини супуриб ташлаш" қабалида иш тугилди. Инкор этишда ҳаётий нарсаларнинг меросийлигига етарли даражада эътибор бермадик. Ўтмишимизни фақат "қолоқлик", "жаҳолат" деб тушундик, ўтмиш деганда нимадандир қўрқиб-писиб, ҳайиқиб турдик. Дин ҳақида гап очилганда эса ҳар қандай оғизга "латта тиқиб" ташладик.

"Ўзидан катталарни ҳурмат қилишни Ўрта Осиё халқларидан ўрганиш керак",— деган эди машҳур совет педагоги Надежда Константиновна Крупская. Лекин биз шарқона меҳр-оқибатлилигимизни кўрсатувчи бир болага етти маҳалланинг ҳам оталик, ҳам оналик қилиши — тарбиялаши, ҳашар, ўзаро ёрдам, бир-бирини қўллаб-қўлтиқлаш, тўй маросимларида елкадошлик, қариялар, ногиронлар ва ночорларга ёрдам қўлини чўзишдек ажойиб фазилат ва урф-одатларимизни, қадимий анъаналаримизни ёшларимиз қалбига тўла-тўкис сингдира олганимиз йўқ.

Ҳар бир оила, ҳар бир ота, ҳар бир она ўз фарзандининг соғлом, қувноқ, одобли, яхши хулқ-атворли бўлиб ўсишини, етук инсон бўлишини истайди. Демак, улар давлат ва жамият томонидан аввало болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши, камолга етишиши учун яратилган ҳамма имкониятлардан самарали фойдаланишни ўзларининг энг муҳим бурчлари, жамоат олдигаги масъулиятлари деб ҳисобламоқлари керак.

Ўтмишимиздаги ҳеч қачон эскирмайдиган ижобий маҳаллий анъаналаримиз билан бирга замонавий таълим-тарбия борасидаги илмий ютуқлардан ҳам кенг фойдаланиб, тарбия билан шуғулланувчи ҳар бир бўғиннинг бир-бири билан ўзаро алоқасини таъминлаганимиздагина инсоннинг ҳар томонлама камолатига эришишимиз мумкин.

Научно-популярное издание

Фарида Саифназарова, Исмаил Саифназаров

ВОСПИТАНИЕ: МОРАЛЬ И ЕЕ ПОСЛЕДСТВИЯ

На узбекском языке

Издательство "Ўзбекистон"—1991, Ташкент, 700129,
Навои, 30

Кичик муҳаррир Ш. Соибназарова
Бадий муҳаррир А. Дехқонхўжаев
Тех. муҳаррир Т. Харитоновна
Мусаҳҳиҳ М. Мажитхўжаева

ИБ № 5533

Босишга рухсат этилди 22.03.91. Формати 84x108 1/32 № 2 бос-
ма қоғозига "Тип. таймс" гарнитура офсет босма усулида босилди.
Шартли бос. л. 3,36. Шартли кр. отг. 3,57 Нашр л. 3,74.
Тиражи 20 000 Заказ № 5165. Баҳоси 55 т.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Нашр № 272-90

Оригинал-макет "Ўзбекистон" нашриёти томонидан "Ўзбекинтерфин"
ПИГ ЦСТ ГХАМ техникавий ва программавий воситалар базасида
тайёрланиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети
нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида
босилди, ГСП, Тошкент, Ленин кўчаси, 41.

55T.

fc